-60596

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1996 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА — ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН — 31 май, № 22 (3359)

ПРЕЗИДЕНТНИНГ КАВКАЗОРТИ САФАРИ

27-29 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Кавказортидаги мустақил давлатлар — Озарбойжон ва Грузия республикаларида бўлди.

— Озарбойжон ва Грузияга сафаримиз мамлакатларимизнинг узаро манфаатли ҳамкорлигининг янги истиқболларини белгилаб беради, — деди Ислом Каримов Тошкент аэропортида журналистларга берган интервюсида. — Энг муҳими, Ўзбекистоннинг дунё бозорига чиқиши учун янги йўллар очилади. Масалан, Грузиянинг Поти бандаргоҳи Ғарб ва Яқин Шарқ давлатлари билан савдо-сотиқ олиб боришда Ўзбекистон учун катта стратегик аҳамиятга эга.

Боку аэропортида Ўзбекистон Президентини Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Юртбошимиз Боқудаги «Шаҳидлар хиёбони»ни зиёрат қилди. Шундан сўнг икки мамлакат Президентлари ўртасида мулоқотлар, Ўзбекистон ва Озарбойжон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Президентлар ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш ҳақида ундан зиёд ҳужжат имзоланди.

Юртбошимиз Боку давлат университетига ҳам ташриф буюрди. Уқув даргоҳи раҳбарлари, олимлари ва уқитувчилари билан учрашувда Ислом Каримовга Боку давлат университетининг фахрий доктори дипломи топширилди.

28 май куни Президентимиз Озарбойжондан Грузияга ташриф буюрди. Тбилиси аэропортида тантанали кутиб олинган Ислом Каримов қисқа дам олишдан сўнг Грузия Президенти саройида Эдуард Шеварнадзе билан суҳбатлашди. Шундан сўнг Президентлар иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Президентлар мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар. Бир қанча ҳукуматлараро ҳужжатлар ҳам имзоланди. Президентлар грузиялик тадбиркорлар билан учрашдилар. Кечқурун Грузия Давлат академик театрида Грузия санъат усталари Ислом Каримов шарафига катта концерт дастурини намойиш этишди.

29 май куни ҳар икки мамлакат давлат делегациялари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар якуни бўйича протокол имзоланди. Тбилиси аэропортида мамлакатимиз Президентини расмий кузатиш маросими бўлди.

Шу куни юртбошимиз Кавказорти сафарларидан Тошкентга қайтиб келди.

* * *

29 май куни Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) Бош директори Арпад Богшни қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида А. Богш Ўзбекистон билан ЖИМТ ўртасидаги ҳамкорлик, мамлакатимизда интеллектуал мулкни авайлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлардан мамнун эканини айтди. Илмий ва технологик ихтирочилик фаолиятига кўмаклашишга, шунингдек, мамлакатимизнинг Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорлигига шахсан қўшган буюк ва ижодий ҳиссаси учун юртбошимизга ЖИМТнинг олтин медалини топширди.

СЎЗ ҚЎШИҚҚА АЙЛАНГАНДА...

Ўзбекистон — Ватаним маним

Қўшиқ — жон озуғи, руҳ ҳалоати. Шу боис ҳам у ҳамма замонларда инсоннинг садоқатли ҳамроҳи бўлиб келган. Кўнгил боғларини обод қилган, орзу-ҳаёллариga қанот бағишлаган, армон кўчаларида ёлғиз ташлаб кетмаган. Чорасизга — нажот, дардлига дармон бўлган, ишонч, ёрўғлик бўлиб кўнглини кўтарган.

Қўшиққа айланган сўз Ватанни, миллатни, эътиқоду иймонни ҳимоя қила олган. Ҳофизларнинг ўгли нафаслари, бахшиларнинг жарангдор овозлари ёғийлар шаштини қайтарган, уққа, ёйга айланиб душман кўксига қадалган.

Сўз ва соз бир бўлиб янграр экан, бу янгроқ овоз мамлакат сарҳадларидан ошиб кетади, Ватанни, миллатни, урф-одатларни, эзгу ишларни жаҳонаро овоза қилади, чорлайди, кўз-кўз қилади, даъват этади. Қўшиқ зиммасига юкланган масъулият жуда катта. Аслида, бундай масъулиятни ҳеч ким унга юклаган эмас. Сўзнинг моҳиятидан келиб чиққан бу вазифа. Сўз, зарур бўлса, ҳайқириққа, даъватга, ишончга, эътиқодга, ҳимояга айлана олади.

Қўшиққа айланган Сўз замирида мана шундай мақсаду маъноолар бор.

«Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остида ўтаётган қўшиқлар кўрик-танловининг бу қадар оммалашиб кетиши, унда минглаб ижодкорлару ижрочиларнинг иштирок этиши, Ватанни, миллатни, Мустақилликни, демакки, озод Ўзимизни, обод эртамизни куйлаш саодат ишига айланиб бораётганлиги боиси ҳам шунда. Беш ешли гулдек нозик болакайдан тортиб ёши етмишдан ошиб кетган отахонларимизгача мустақиллик манзараларини куйга солишаётгани, жўшиб куйлашаётгани боиси шунда.

Ҳозиргача кўрик-танловнинг дастлабки босқичлари қишлоқларда, туманларда, вилоятларда, вазирликларда муваффақиятли ўтди. Ҳакамлар мустақиллик йиллари яратилган мингдан ортиқ қўшиқларни тинглаб баҳолядилар. Энг муносиблар ғолиб бўлди ва улар айни кунларда кўрикнинг якунловчи босқичида қатнашиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу босқич мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги энг қувончли воқеалардан бирига айланиши шубҳасиздир.

Суратларда: «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танловининг бир гуруҳ иштирокчилари.

А. МАМАДАМИНОВ суратга олган.

ТЕАТРЛАР — БОЛАЛАРГА

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги томонидан Мустақилликнинг беш йиллиги ҳамда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят театрларининг болаларга аталган спектакллари кўрик-танлови якунланди. Шу муносабат билан мухбиримиз Маданият ишлари вазири ўринбосари Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Муҳаммадали ака, аввало, кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб берсангиз.

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай кўрик-танлов республикамизда илк маротаба ўтказилди. Шу кунгача катталар театрларининг болаларга бағишлаб яратган асарлари танлови ҳеч қаерда ўтказилган эмас. Асосий мақсадимиз ёш авлодни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни адабиётимиз ва санъатимиз дурдоналаридан баҳраманд этиб боришда катталар театрларининг ролини оширишдан иборат ҳамда бу йўлда фидойилик билан иш олиб бораётган жамоаларни рағбатлантиришдан иборат.

— Энди бевосита кўрик-танловга тақдим этилган спектакллар ҳамда ғолиб асарлар ҳақида тўхталсангиз.

— Кўрик-танловни ўтказиш бўйича тузилган ҳайъат аъзолари салкам бир ой давомида йигирма учта спектаклни кўрдилар, шулардан ўн учтаси танлов учун қабул қилинди. Шу ўринда фақат 1995-96-йилларда саҳналаштирилган асарлар кўрилганини эслатиб ўтишни истардим. Юқорида айтилганидек, кўрикда фақат катталар театрлари иштирок этдилар, болалар театрлари эса конкурсдан ташқари қатнашдилар. Қашқадарё ва Наманганган ташқари деярли барча вилоятлар театрлари ўз спектакларини тақдим этдилар.

Биринчи даражали мукофот (35 минг сўм) Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театрининг «Чандунинг саргузашти» спектаклига берилди. Иккита иккинчи даражали мукофот (ҳар бири 25 минг сўмдан) Каттақўрғон театрининг «Шум бола» ҳамда Тошкент оперетта театрининг «Ҳасан хасис» спектакларига насиб этди. Сурхондарё театрининг «Хумо» ва Хоразм театрининг «Замонавий шум бола» спектаклари учинчи даражали (ҳар бири 15 минг сўмдан) мукофот билан тақдирландилар.

Ўн минг сўмлик рағбатлантирувчи мукофот эса Жиззах театрининг «Мангулик йўлдоши» спектаклига насиб этди.

Энг яхши ижрочилик маҳорати учун таъсис этилган мукофотимизга Самарқанд театридан Т.Пардаев ва Сурхондарё театридан З. Боқиева сазовор бўлдилар. Шунингдек, Л. Утагенов (Жиззах), Ф. Газаева (Тошкент), М. Аминова (Каттақўрғон) ҳам махсус мукофотлар билан тақдирландилар.

Кўрик-танловда фақат ижрочилар эмас, саҳна орти кишилари ҳам эътибордан четда қолганлари йўқ. Жумладан, драматург К.Матризаев, режиссёрлар В. Умаров, Р. Кашаева, Х. Маҳмудова, бастакор К. Искандаров, рассомлар А. Орунов, Я. Алиева, пардозловчи А. Лапасова, С. Снист, актёрлар А. Тарасов, Р. Пардаева, М. Қурбонов, режиссёр А.Азимов, директор Р. Зафарова қиммат баҳо эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Муҳими шундаки, бу кўрик-танлов катталар учун ижод қилаётган театрларимиз болаларга нималар беришга қодирликларини, изланиш ва ютуқларини, камчиликларини яққол намоён этди. Ўйлаймизки, бундай тадбирлар театрлар учун ҳам, ижодий жамоа учун ҳам, шунингдек, томошабинлар учун ҳам катта фойда келтиради.

Суҳбатдош: Г. УМАРОВА

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ЭЛЧИ БИЛАН СУҲБАТ

29 май куни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигида Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Николай Дудэу шарафига қабул маросими бўлиб ўтди. Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Т. Қўзиев ҳамда жаноб элчи Н. Дудэу 1995 йили ҳар икки республикалар ҳукуматлари ўртасида имзоланган маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик хусусидаги Битимни амалга оширишнинг бундан буёнги истиқболлари борасида келишиб олдилар. Хусусан, ўзаро режиссёрлар айирбошлаш, рассомлар кўргазмаларини уюштириш, ёш ижодкорлар ишларини ўзаро тарғиб қилиш ишларини яхши йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Ўтган йили ноябр ойида Ўзбекистонда ўтган Молдова ишбилармонлар доирасининг учрашуви муносабати билан «Ўзэкспомарказ»да Молдова халқ амалий безаклари санъати кўргазмаси очилганди. Бу йил Кишиневда худди шундай жавоб учрашуви бўлади. Бундай мулоқотлар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий-маданий ва бошқа алоқаларни янада ривожлантириши шубҳасиз.

Янги томоша

«ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМ ТАВАЛЛУДЛАРИ»

Кейинги вақтларда Мукимий номидаги Ўзбек давлат мусиқа театри ижодий жамоаси яхши саҳна асарлари билан мухлисларини хушнуд этмоқда. Шу кунларгача зал тўла томошабинлар билан ўтаётган «Фотима ва Зуҳра», «Девона», «Бу қандай бало?» спектакллари қаторига яна бир янги асар қўшилди. Насрулло Қобилнинг «Иброҳим Алайҳиссалом таваллудлари» деб номланган икки пардали мусиқали драмасини режиссёр Баҳодир Назаров саҳналаштирди.

Тўлқин Қурбонбоевнинг асар руҳига мос ёзилган мусиқасини Ўзбекистон халқ артисти Наби Халилов раҳбарлигида ва Жўра Ортиқов дирижёрлигида мусиқачилар маромига етказиб ижро этмоқдалар. Саҳна безакларини Собир Бекматов ишлаган. Хормейстер, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Умиджонов ва балетмейстер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шокир Аҳмедов асар ютуғига муносиб ҳисса қўшганлар.

Спектаклдаги асосий ролларни Маъруф Отажонов (Намруд), Насриддин Рустамов (Озор), Марям Ихтиёрова (Омина), Турсунбой Пиржонов (Хозор), Дилором Сафоева (Она), Ҳамид Тухтаев, Турғун Бекназаров ва бошқалар ижро этмоқдалар.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигида Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар федерал вазири жаноб Клаус Кинкелга ҳамроҳ бўлиб келган расмий делегация вакиллари билан дўстона учрашув бўлди.

Учрашувда Германия томонидан ишлар бошқарувчиси, Франкфурт-Майндаги Герман—Урта Осиё маданиятлари иттифоқининг иккинчи раиси доктор Райнхардт Зандер, Рурдаги Мюлхайм театри директори, профессор Роберто Чиулли, Штутгарт шаҳридаги Давлат этнография (Линден— музей) музейи директори ўринбосари, профессор Йоханнес Калтер, орган ишлари устаси жаноб Армин Цуккерридел ва таълим-тарбия илмий-методик маркази ходимлари, Ўзбекистон томонидан эса Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Турсунали Қўзиев, вазир ўринбосари Муҳаммадали Абдуқундузов, музей ишлари бошқармаси бошлиги Илгис Зуфаров, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг масъул котиби Алишер Икромов, вазирлик халқаро алоқалар бўлими бошлиги вазифасини бажарувчи Элмарс Сарко иштирок этдилар.

Суҳбатда асосан Германия Федератив Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида тузилган маданий ҳамкорлик ҳақидаги Битимни амалга ошириш йўллари хусусида фикрлашиб олинди. Жумладан, доктор Й. Калтер 1995 йил ноябридан 1996 йил майигача Штутгартда намойиш этилган «Буюк Ипак йўли мероси. Ўзбекистон» кўргазмасига тўхталиб, уни 35 минг киши келиб кўрганини айтди. Ҳозир бу кўргазма Берлин шаҳрида намойиш этилмоқда. Мюлхайм театри директори Р. Чиулли 1998 йили буладиган «Буюк Ипак йўли» маданий тадбирида иштирок этишни таклиф этди. Бу тадбирда Буюк Ипак йўлида жойлашган қўшгина давлатлар қатнашадилар. Ўзбекистон Республикаси эса бу тадбирнинг асосий маркази бўлади. Шунингдек, театрлар ва баъзи театр гуруҳлари Германияда ўтадиган фестивалларда қатнашишга таклиф этилди.

Учрашув иштирокчилари ўтказилажак маданий-маърифий тадбирлар Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашига ишонч билдирдилар.

БОЛА КЎЗИ БИЛАН БОҚИНГ ОЛАМГА, БОЛА ҚАЛБИ БИЛАН ТАНИНГ ДУНЁНИ...

Истиқлол ва иқтисод

ТАДБИРКОРНИНГ МАДАДКОРИ

«Ўзтадбиркорбанк» бошқаруви раисининг ўринбосари Гулнора ЮСУПОВА билан суҳбат

— Гулнора Абдураҳимовна, бизга Истиқлол яратиб берган имкониятлардан бири, шубҳасиз, эркин, ижодий меҳнат қилиш ҳуқуқидир. Юрагида орзу-ҳаваси, фикратида яратувчанлик, табиатида уддабуронлик фазилатлари бор кишилар рўзғорини ўнглаб олиш, она юрт хўжалигини тиклаш учун ҳаракатга тушиб қолдилар. Натижада, ўтган қисқа вақт ичида Ватанимизда тадбиркорлар тоифаси шаклланди. Шу жараёнда ишбилармон ва тадбиркорларимиз учун таянч масканга айланган «Ўзтадбиркорбанк»нинг қисқача таржимаи ҳоли билан таништирсангиз.

— «Ўзтадбиркорбанк» Президентимиз ташаббуси билан 1993 йилда акционерлик тижорат банки сифатида ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашдан иборат.

«Ўзтадбиркорбанк» аввалдан фаолият кўрсатиб келаётган, маълум мавқеи ва тажрибали мутахассислари бор булган банкнинг хусусийлаштирилиши натижасида пайдо булган эмас. Аниқроғи, у иш услуби янгиланган банклардан фарқ қилади. Банкимиз сармоядор фуқаролардан бир гуруҳининг ўз мавқеларини ҳиссадорлик асосида бир ерга жамлашлари туфайли вужудга келган. Бу сармоя республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш ишларига йўналтирилмоқда. Албатта, янги банкни ташкил этиш, унинг ўзи булмайди... Бугун «Ўзтадбиркорбанк»нинг 154 та филиали бор, улар самарали фаолият кўрсатмоқда.

— «Ўзтадбиркорбанк» фақат деҳқон (фермер) хўжаликларигагина хизмат кўрсатадими? Иложи бўлса, банкнинг мижозлари ҳақида, унга кимлар, қандай тартибда ва шартлар билан мижоз бўла олиши тўғрисида ҳам маълумот берсангиз.

— Бугунги кунга келиб «Ўзтадбиркорбанк»нинг хизмат кўрсатиш қулами анча кенгайиб кетган. Ҳар бир мижозга унинг ҳужжатлари асосида ҳисоб рақами очиш ва мижознинг топшириғи бўйича ушбу ҳисоб рақами орқали унга хизмат қилиш, бўш маблағни депозит тушумларга қабул қилиш ёки унга акция сотиш, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорида брокерлик идораси орқали унга хизмат кўрсатиш, ички ва хорижий сармоялардан фойдаланиш (кредит сифатида), юридик ва жисмоний шахслар сифатида тушумлар қўйиш ва ҳоказо.

Деҳқон хўжаликларининг ривожланишига мадад берувчи банк сифатида ташкил этилган «Ўзтадбиркорбанк» вақт ўтган сайин мижозлари ва хизмат кўрсатиш қуламини кенгайтириб бормоқда. Бугунги кунда банкимиз корхоналар, қўшма корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, ишбилармонлар, тижоратчиларга ҳам хизмат кўрсатмоқда. Қисқаси, нодавлат тизимидаги барча корхоналар ва жамоалар бизнинг банк мижози бўла олади ва унинг хизмат турларидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Банкимиз деҳқон хўжаликларига кам фоизли кредитлар ажратади. Бундай кредитни олиш учун хўжалик мутаасддилари тегишли ҳужжатларни банкка топширишлари керак. Бу ҳужжатларни ўрганиб чиққан кредит бериш комиссиясининг қарорига мувофиқ мижоз келишилган вақтгача муайян миқдордаги маблағдан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш, чет эл асбоб-ускуналарини, кичик ишлаб чиқариш заводларини олиб келиш, ўрнатиш ва уни ишга тушириш, миллий маданиятимизни ривожлантириш билан боғлиқ ҳамма турдаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш, халққа ҳар хил бошқа турдаги хизмат кўрсатиш каби йўналишлар бўйича «Ўзтадбиркорбанк» ва хорижий банкларнинг кредитларидан фойдаланиш мумкин.

— «Хорижий банкларнинг кредитларидан фойдаланиш» деганда қандай хизматлар тушинилади?

— Бизнинг «Ўзтадбиркорбанк» орқали Марказий Осиё ва Америка жамғармаси маблағларидан Ўзбекистон тадбиркорларига кредит бериш шароити яратилган. Чет эл инвестициялари мамлакатимизга хорижий ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари олиб келиш учун олиб берилади. Бу 15—20 фоизли валюта кредитлари булиб, хизмат қилгани учун банкимиз маблағининг бир фоизини ўзига олади.

— Банкнинг хизматлари эвазига оладиган фоизлари тўғрисида гап очилди. Шу ўринда «Ўзтадбиркорбанк» деҳқон хўжаликларига берадиган кредитларга ҳамда тижорат ишлари учун белгилайдиган фоизлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— «Ўзтадбиркорбанк» ўзининг деҳқон (фермер) мижозларига берадиган кредити учун оладиган маблағни бир йилда 50 фоиздан оширмасликка қарор қилган. Тижоратчилар учун эса бу миқдор 80—127 фоизни ташкил этади.

Тадбиркор бизга мурожаат қилишда ўзининг «Бизнес режа»сини аризасига қўшиб тақдим этиши керак. Бу режа амалга ошса тадбиркор қанақа даромад олиши мумкинлигини бошқармамиз мутахассислари ўрганиб чиқишади. Банк мана шу хулоса асосида кредит бериш ёки бермасликка қарор қилади. Кредит олувчи мижознинг аризаси бирон ташкилот томонидан кафолатланган бўлиши шарт. Чунки мижозларимиз фаолиятларидаги фойда ёки зарар қуриш банкимиз фаолиятига таъсир қилади. Ахир банкимиз ҳиссадорлик тижорат банки. Шундай экан, банк ривожланиши учун ҳиссадорларнинг маблағларидан маҳорат билан, қонун-қоидаларга риоя қилиб, даромад меъёрини аниқ ҳисоблаб ва шу даромад ҳисобига ҳиссадорнинг ҳам, банкнинг ҳам манфаатлари қониқишига ишонч ҳосил қилган ҳолда сарфлаш зарур. Мижозларимиз билан банкимиз фаолиятидаги узвий боғлиқлик эса масаланинг иккинчи томонидир. Ҳисоб-китоб қилиш банк фаолиятининг биринчи босқичи бўлса, унинг иккинчи босқичи — мижознинг ишини тўғри йўлга қўя билиш, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бозор талабларини ўргана олиш, шунга яраша ишлаб чиқаришни режалаштиришда уни иқтисодий таҳлил қила билиш ва ўзи ишлаб чиқараётган молларга булган талабни кўра билмоқдир. Мижозимиз қанчалик унумли ишласа, у шунча бойийди, демак, унинг маблағини айлантириш қулами шунча кенгаяди ва шунга мувофиқ равишда банк даромади ҳам кўпаяди. Бундан кўриниб турибдики, ҳиссадорлар даромади ҳам, банк даромади ҳам асосан мижозларимизнинг иш фаолиятига боғлиқ.

— Гулнора Абдураҳимовна, «Ўзтадбиркорбанк»нинг Низом сармояси ҳаракати мисолида банк билан унинг акциядорлари ҳамда мижозлари маблағларининг ўсиш даражаси тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз.

— «Ўзтадбиркорбанк» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1995 йилнинг 10 августида қайд этилган қимматбаҳо қоғозлар учинчи эмиссияси (проспект)ига мувофиқ ўзининг Низом жамғармаси ҳажмида — 350 миллион сўмлик оддий номи ёзилган ва имтиёзли акциялар чиқарган эди.

Акционерлик-тижорат банклари акцияларининг кенг оммалашувида, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг жонланишида Республикамиз Президентининг 1995 йил 7 сентябрда чиқарган «Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги Фармони катта аҳамиятга эга бўлди. «Тошкент» фонд биржасида «Ўзтадбиркорбанк» оддий акцияларининг 100 сўмлик номинал қиймати 160 сўм деб баҳоланди. Демак, акциялариинг қиймати ўтган ун беш ой орасида бир ярим баравардан ортиқ қийматга эга бўлди.

— Бизнингча, банк соҳасидан йироқ кишиларимиз ҳам акциялар ва уларнинг қадрсизланмаслик хусусиятини англаб етишди. Лекин ВЕКСЕЛ масаласида ҳали тушунчаларимиз саёз. Вексел кимлар томонидан чиқарилади, қандай имконият ва имтиёзларни ўзида мужассамлаштиради? «Ўзтадбиркорбанк»нинг векселларга алоқадорлиги қандай?

—«Ўзтадбиркорбанк» ҳозирча вексел чиқаргани йўқ, лекин у «Узпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик жамияти, «Ғаллабанк», «Пахтабанк» сингари муассасаларнинг чиқарган векселларини қабул қилаяпти ва уларни ҳаракатлантираяпти. Маълумки, вексел — банкнинг қарздорлик тилхати бўлиб, у бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади. Вексел уни чиқарган банкнинг қарорига асосан сотишда ўз номинал қийматига кўра арзон баҳода сотилиши мумкин. Бундай векселлар дисконтли векселлар деб аталади. Лекин мижозлар эса векселни фақат маълум бир сотиб олинаётган мол-мулк учун тўлов воситаси сифатида ишлатиш ҳуқуқига эга. Бу, ўз навбатида, мижозларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилиши учун қулайлик яратади ва банк муомалаларини камайтиради. Векселларни муомалага чиқаришдан асосий мақсадуларнинг мижозлар орасида айланиш даврида банкларда пул ресурсларини жамлаб, халқнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

— Гулнора Абдураҳимовна, «вексел пакети» каби ибора лар тез-тез қулоғимизга чалинади. Уларнинг маъносини тушунтириб берсангиз.

— Банк фаолияти ҳақида гап кетганда бу ибораларни четлаб ўтиб бўлмайди. Агар уни ишлатмасак, фаолиятимиз жуда жўнлашиб кетади... Юқорида айттаним — «вексел пакети» — бу биз шартнома тузган қўмита инвесторлар векселларининг миқдори.Бу векселлар бизнинг банкимиз тасарруфида муомалада бўлади, демакдир. Республикамизда ташкил бўлган «АРК» суғурта компанияси, «Мадад» суғурта агентлиги, «Банк техсервис» ҳиссадорлик жамияти, «Бизнес-фонд», «Замин» сингари хизмат идоралари ташкил этилишига «Ўзтадбиркорбанк» ҳам муносиб молиявий улуш қўшди. Бу ҳиссаларимиз ўша ташкилотларнинг фаолияти билан мувофиқ равишда бизнинг банкимизга ҳам, демакки, акциядорларимизга ҳам фойда келтириб туради...

Бизнинг соҳамиз ҳам изланиш, янгилик яратиш, ўйлаш, фантазияни талаб этади. Изланиш бўлса, бизга ҳам, элга ҳам кўпроқ наф келтиравераді.

М.МУРОДОВА
суҳбатлашди

РОМАН, ҚИССА ВА ҲИКОЯ МУНОЗАРАСИ

Узбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасида «Ҳозирги ўзбек насри: янгича изланишлар ва анъаналар» мавзуида давра суҳбати бўлди. Уни Уюшма наср кенгашининг раиси Шукур Холмирзаев кириш сўзи билан очди.

Таниқли адабиётшунос олим Исроил Мирзаев романлар, мунаққид Абдулла Улуғов қисса ва ҳикоялар хусусида маъруза қилдилар. Исроил Мирзаев ўз маърузасида ўтган йили чоп этилган Худойберди Тухтабоевнинг «Жаннати одамлар», Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» (II-китоб), Эркин Самандаровнинг «Тангри қудуғи», Ҳожиакбар Шайховнинг «Туташ оламлар» (I-китоб), Омон Муҳторнинг «Тепаликдаги ҳароба», Муроджон Мансуровнинг «Жудолик диёри», Бурибой Аҳмедовнинг «Амир Темур», Исоқ Рустамовнинг «Сирли қотиллик» романларининг ғоявий-бадиий хусусиятларига тўхталди. Маърузачи насрнинг катта жанрида қулга киритилган муваффақиятлар, услубий изланишлар, шаклий ранг-барангликлар ҳамда адабиётдаги янги анъаналар, ёзувчиларнинг воқеликка муносабатидаги янгича қарашлар тўғрисида фикр юритди. Мазкур ўзгаришлар, унингча, умуминсоний ва миллий қадриятларимизга бағишланган тарихий ва диний мавзудаги романларда, шунингдек дедектив ва фантастика жанридаги оммабоп асарларда ҳамда бугунги ўзбек модерн адабиёти намуналарида яққол кўзга ташланади.

Қисса ва ҳикоялардаги мана шундай ўзгача хосликлар — ўзгаришлар ҳақида Абдулла Улуғов маъруза қилди. Ушбу жанрдаги ўзгаришларни у бир сўз билан — «Оҳиста ўзгариш» дея атади. Маърузачи уз фикр-мулоҳазаларини асослаш учун Шойим Бутаевнинг «Муюлишдаги уй», Аъзам Уктамнинг «Хабар», Шодиқул Ҳамроевнинг «Қоракул» қиссаларига, Улмас Умарбековнинг «Оқсоқол», Учқун Назаровнинг «Ёнғин», Х. Дустмуҳаммад ҳикояларига, Шукур Холмирзаев ва Эркин Усмоновнинг турқум ҳикояларига, Сафар Барноев ва Раҳимжон Отаули асарларига мурожаат этди.

Маърузалар ва уларда таҳлил этилган бадиий асарлар юзасидан билдирилган фикрлар, айтилган сўзлар баҳс-мунозара тарзида ўтди. Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев ҳозирги насрий асарларда ОДАМнинг — жонли қаҳрамон, бадиий характернинг йўқлиги, шу кунларда эълон этилган тарихий романлар мазмунмундарижаси ўтмиш воқеаларини, машҳур кишилар ҳаётини, фотиҳлар бошидан кечирганларини оддийгина баён қилишдан иборат бўлиб қолаётганлиги, бадиий матннинг, ифоданинг жўнлиги, тасвирларнинг фаолиятсизлиги хусусида куйиниб гапирди. Шу жиҳатдан атоқли тарихчи олим Бурибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» асарига тарихий-роман сифатини бериш, унга бадиий асар нуқтаи назаридан қараш нотўғри эканлигини айтди.

Унинг ушбу фикрини таниқли мунаққид Умарали Норматов қуллаб-қувватлаб, романнинг ўзига хос жанр хусусиятлари, бадиий-эстетик талаблари, тили, услуби, тасвир воситалари мавжудлигини, мана шу бадиий қонун-қоидаларга, талаб-эҳтиёжларга мос келган асаргина РОМАН аталишини сўзлади. Шунингдек, у ўтган йили эълон этилган Маҳкам Маҳмуднинг «Орифи маоний», Хуршид Дустмуҳаммаднинг «Беозор қушнинг қарғиши», Исажон Султоннинг «Ойдинбулоқ» ҳикояларининг оригинал бадиий хусусиятларига тўхталди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон, ёзувчилар Омон Муҳтор, Эркин Усмонов, шоир Йўлдош Эшбек ҳозирги адабий жараён, ёзувчи ва замон, ҳаёт ва ижод, бадиий асар ва ўқувчи, нашр ва матбуот муаммолари хусусида сўзладилар.

Давра суҳбатида «Тепаликдаги ҳароба» романи, «Қоракул» қиссаси, «Оқсоқол», «Беозор қушнинг қарғиши», «Ойдинбулоқ» ҳикоялари йилнинг энг яхши асарлари сифатида баҳоланди.

Ўз ахборотимиз

БАХШИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ёзма адабиётда яратилган энг юксак бадиий асарлар илдизи халқ оғзаки ижодиётидадир. Атоий, Лутфий, Навоий, Бакаччо, Франсуа Рабле, Огаҳий, Габриэл Гарсиа Маркес каби маликул каломларнинг нодир асарлари ўша илдиздан озиқ олган, яшнаган. Хусусан, Навоийнинг машҳур

«Белу оғзидин, —
дедиларким, — дегил
афсонаи»,
Сўйладим филҳолким: «Бир
бор эди, бир йўқ эди».

фардида халқимизнинг эртак-афсоналарига ҳамоҳанглик бор. Шоир эртаклардаги «Бир бор экан, бир йўқ экан» деган кириш сўзлардан фойдаланиб, ўзгача санъат яратган. Унинг санъатида ёр гўзаллиги, ошиқ ҳолати, ошиқ ва маъшуқни тилда достон этган эл қиёфаси, таъриф, хаёл, тасвир, туйғуларнинг бир-неча ранглари уйғунлашиб кетган, миллийлик касб этган.

Ёки А. Қодирийнинг «Уткан кунлар»ида «Алпомиш»она тасвир ифодалар, шаклу услублар сайқал топганини, Атоийнинг

Ул санамким, сув ёқосинда
паридек ўлтирур,
Гояти нозуклигидин сув
била ютса бўлур.

шоҳбайти билан Қодир бахши Раҳимов ижро этган «Ойпари» достонининг

Босган жойи миннатдор,
Босмаган жойи гинадор,
Босиб ўтмаган жойлари
Босама деб умидвор,
Келаётир Ойпари
Ҳамма қиздан илгари.

каби қадимий оҳанглари мутаносиблигини илғаш мушкул эмас.

Ушбу мисоллар уммондан томчи холос.

Халқ оғзаки ижоди анъаналарини асраб-авайлаб, ҳаракатда сақлаётган ижодкорларнинг энг бош бўғини — бахшилар, оқинлар, жировлардир. Термалару достонлар, думбираю қўбизлар соҳибларини рағбатлантириш, уларнинг ижодига илҳом бахш этиш мақсадида 1987 йилдан буён юртимизда бахши-шоирларнинг Республика миқёсидаги беллашуви ўтказилади. Бахши шоирларнинг бу йилги беллашуви мазмунан бой тарзда ўтди. Аввалги анжуманлардан фарқли уларок бу йилги беллашувда мамлакатимизнинг турли гўшаларида биз билан бақамти истиқомат қилаётган қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ қариндошларимиз бахшилари, оқинлари ҳам иштирок этишди. Уч кун давомида Муқимий театри саҳнасида кечган бахши-шоирлар беллашуви жараёнида анъанавий «Гуруғли», «Алпомиш», «Ошиқ Ғариб», «Малла савдогар», «Очилдов» достонлари билан биргаликда Ватан, Истиқлол, Мустақиллик мавзуидаги ҳамда Аҳмад Яссавий, Амир Темур бобокалонларимизга бағишланган янги термалар ҳам ижро этилди. Саҳнада «Шу элатни таъриф қилган бахшиман» (сурхондарёлик ёш-баҳши-шоир Исмоил Акбаров), «Бахшиларга терма-достон Ватаним» (Шоберди бахши Болтаев), «Она бирдир, Ватан бирдир дунёда» (хоразмлик бахши-шоир Сувонберди Матёқубов) каби айтимлар янгради.

Қурик-танловнинг яна бир эътиборли жиҳати машҳур Ислом шоир, Абдулла шоир, Бола бахши, Қодир бахши Раҳимов анъаналари руҳида тарбиялаб етиштирилган 7-8 ёшли бахшилар чиқишида кўринди. Хоразмлик, самарқандлик, сурхондарёлик ва қашқадарёлик устоз бахшиларнинг келажакни мўлжаллаган бу ишлари таҳсинга сазовор.

«Туркистон— умумий уйимиз» мавзуида ўтказилган бахши-шоирларнинг Республика беллашувида Хоразм вилояти Хива шаҳар ва туман маданият бўлимларига қарашли «Достон» фолклор-этнографик жамоаси ОЛИЙ УРИНга, сурхондарёлик ёш бахши-шоир Исмоил Анваров ва қашқадарёлик Қаҳҳор бахши Қодир ўғли Раҳимов БИРИНЧИ УРИНга, самарқандлик Зиёдулла бахши Исломов, Сирдарёлик Саидмурод Гулмуродов, Тошкент вилоятидан Маҳкамбой Умаров, қорақалпоғистонлик Абдусамад Хўжақов ИККИНЧИ УРИНга, Жиззах вилоятидан Эрқосим Алданов, Қашқадарё вилоятидан Баҳром бахши Раҳимов, Жовли бахши Тангиров, Навоий вилоятидан оқин Аҳбай Таубелдиев, Тошкент вилоятидан оқин Қулмихон Дуйсенов, Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл туманидан достончи Сувонберди Матёқубов УЧИНЧИ УРИНга мушарраф бўлдилар.

Беллашув низомига қўшимча равишда сурхондарёлик Шоберди бахши Болтаев, Хушвақт Мардонқулов, Тошкент вилоятидан Чори бахши Ҳўжамбердиев, оқин Аширмат Мусаевларни «Маданий-маърифий ишлар аълочиси» нишони билан тақдирлаш Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигидан сўралди.

Сирдарёлик Акром Булбул Содиров, Саидаҳмад Гулмуродов, Нурлан Тутанов, Пулат Қўрғонбеков, сурхондарёлик Панжи Тожиев, Тошкент вилоятидан Хонзода Сафарова, Жадра Турсунқулова, Нурхон Туймеқулова, Қорақалпоғистон республикасидан Мақсет Алсейитов ва Жарас Нуралиев каби бахши ва оқинлар юксак ижрочилик маҳоратлари учун Фахрий Ёрлиқ билан тақдирландилар.

Энг кекса ижрочи соврини сирдарёлик бахши Акром булбул Содировга, энг ёш қатнашчига соврини самарқандлик бахши Исломжон Зиёдуллаевларга берилди.

Ушбу қурик-беллашувнинг гувоҳи бўлган Франциялик меҳмон Осиё этномусиқаси буйича мутахассис Жон Дюри узининг баҳоятда қойил қолганини билдирди. Танаффус пайтларида у бахши-шоирлар билан ҳаяжонли мулоқотда бўлди.

Қурик-беллашув давомида Муқимий театри саҳнасида бахшиларнинг боши узра деворга илинган матода ёзилган «Бахшиси бор элнинг бахти бор» сўзларига муттасил кўзим тушди. Ўша кунлари бу гапнинг нақадар тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Р. МУСУРМОНОВ

РАНГЛАРДАГИ РУҲИЯТ

Рассом ҳис-туйғулари, таассуротлари ва оламига булган муносабатни ўз «бадиий оламда» қайта ишлар экан, дунёни англаш, уни ўз нуқтаи назаридан идрок этиш ва бадиийлаштириш орқали ифодавий услубларнинг турли кўринишларини яратиб боради. Ҳар бир рассом «ўзлигини» ифодалашда фақат табиатдан ўрганиши ва шу асосда ижод қилиши ифодавийликнинг янги қирраларини намоён этиши мумкин.

Ҳар бир ижодкор ўз дунёқарашига эга, лекин уни ифодалашда алоҳида услуб ярата олиш бахти ҳаммага насиб этавермайди. Рассом Иброҳим Валиҳўжаев ана шундай бахт соҳиби, десак янглишмаймиз. Талабалик йилларидаёқ у оламни нисбий рамзийликда, аниқроғи, борлиқдаги манжуд шакларни мазмунга мос ҳолда ўзлаштириш, яхшилаш ва ундаги руҳиятни ранг воситасида ифодалашга ҳаракат қиларди. Бу ҳақда саҳнашунос Репникова 1990 йил Наманган ўлкани ўрганиш музейида очилган И. Валиҳўжаевнинг шахсий кўргазмаси каталогида шундай ёзганди: «Қисқа вақт институтда ўқиш даврида Иброҳим талабалик ишлари тарқасида бир қатор мукаммал ижодий ишлар яратди. Булардан алоҳида ривожланган ифодавий йўлни сезса бўларди. Биринчи босқичда 1987 йили унинг илк мустақил ижодий ишлари — «Тоғ гуллари», «Сирдарё», «Кўз» ва бошқа кўплаб манзара ва натюрмортлар яратилди. Бу асарларда қуёш, палитра камалак ранглари билан ўйнашарди, нисбат ранг-баранглиқда тушуниш ўрнини жилдий ўйлаш, ҳаётий қадриятларни баҳолаш, руҳият, миллийлик эгаллаб бориши натижасида янги асарлар — «Ҳаёлот» триптихи, «Бомдод номози», «Ахсикент», «Кўз», «Тандир», «Шабода» кабилар яратилди. Булардa зангори, қўкиш ва умуман совуқ тусдаги ранглар жилоси ҳукмронлик қиларди.

Ҳозирги даврда эса рассом композиция яратишда ифодавийликнинг ранг-баранглигига алоҳида аҳамият бермоқда. У мақсадан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир кўринишни ҳис-туйғуга мос ифодалашга ҳаракат қилади. Бадиий ижодда ифодавийлик хусусида рассомнинг ўзи шундай дейди: «Ҳар бир асар ўзига хос ифодавийликни талаб қилади. Бинобарин, унинг мазмунга мослиги айнан шу мавзу, ғоянинг ўзида яшириниган булади». Шунинг учун ҳам унинг асарлари такрорлийликдан йироқ. Фикримиз таслиги сифатида рассомнинг «Дўппи сотаётган аёллар» ҳамда «Аёллар саллатати» асарларига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Биринчи асарда асосий мақсад дуппида шарқ оламининг ифодаланишига қаратилган. Дуппи сотиб ўтирган икки аёл образи асар марказидан ўрин олган. Қуйи қисмда эса аёллар ҳамда эркаклар дуппилари растаси. Асарнинг юқори қисмида Узбекистон миллий меъморлигига хос гумбазга ўхшаш шакл ифодаланган. Шуниси эътиборга лойиққи, асар умумий ҳолда кузатилса, шу гумбазга ўхшаш ёруглик ҳамда пастдаги горизонтал ҳолдаги ернинг тўқ тусда кўриниши айнан дуппи шаклини эслатади. Асардаги шакллар ва булаклар, яъни икки аёл образи, фан ва бошқа унсурлар, узаро уйғун. Асар илиқ ранглларда яратилган.

«Аёллар саллатати»да эса Узбекистондаги оддий кишлоқ ҳаёти, унинг гўзаллиги ва бу гўзаллик аёллар билан тўкислиги ифодаланади. Асарнинг умумий кўринши қишлоқ фонида тепадан олинган. Биринчи планда йўл устида қизғин сўҳбатлашаётган уч дугона тасвирланади. Қизларнинг қиёфалари асар фонига уйғунлаштирилиб зангори ҳамда кўкиш рангларнинг нафис жилодорлигига ҳамоҳанг тарзда олинади. Бу асарга бир нарса, яъни осудалик ҳиси асос булган булса ажаб эмас.

Икки асар таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир янги асар янгича ифодавийликни талаб этади. Шу талабдан келиб чиқиб ижод қилиш бадиий ижодда янгича ютуқлар ва ривожланиш омили булиши мумкин.

Рассом Иброҳим Валиҳўжаев ижодидаги ўзига хос ифодавий услуб янгича кўринишларда ривожланишига шубҳа йўқ. Лекин рассомнинг ҳозирги давр ижодига кўпроқ умумий хусусиятлар хосдир. Биринчидан, унинг асарларида ҳис-туйғу шаклий ўзгаришлар ва уларнинг кўринишлари тарзида ифодаланади. Иккинчидан, кўпчилик асарларида шакллар ўзаро оч-тўқ ранглларда бир-биридан ажратилади ва ҳажмий кўринишлари соддалаштирилади (шакллар ва булаклар текислик асосида тасвирланиб, ортиқча контрастлик, яъни табиатдаги ҳажмий бўртиришлар сусайтирилади). Учинчидан, асардаги ранг мазмунга мос мураккаб асосда яратилиб, ҳар бир шакл ёки булак аксарият ҳолларда бир хил тусда олинган. Тўртинчидан, асарлардаги ритм ва мувозанат, асосий ва иккинчи даражали образлар оч-тўқлик нисбатлари орқали ҳал этилади.

Юқоридаги хусусиятлар рассомнинг 90-йиллар бошлари ва ҳозирги даврдаги ижодига хос булиб, «Дуппи», «Зиёратгоҳ», «Келин», «Писта бува», «Санъатшунос қиз», «Икки куч», «Қариялар», «Оқшом», «Дуппи бозори», «Оналик» каби асарларида кўзга ташланади. Шуни таъкидлаш лозимки, рассом қайси асар устида ишламасин, унинг рамзий ечими устида изчил изланишда бўлади. Шунинг учун ҳам асарларида асосий шакллардан бўлак майда унсурлар ва шаклларни учратиш қийин. Содда, ихчам ва мазмунга мос пишитилган шакллар яхлитлиги рассом ҳис-туйғуси ифодаси сифатида моҳият касб этади.

Биз Узбекистонимизнинг миллий қадриятлари, кишиларимиз турмуш тарзи, табиат ва жамият муаммолари каби долзарб мавзулар устида ижод қилишдек сермашаққат йўлда рассомга ғаб-тоқат, ижодий баркамоллик тилаймиз.

Рустам ЭРМАТОВ

ЖЕЙНОВДА ТЕМУРХОНЛИК

Жейнов Қашқадарёнинг ўзига хос маданият ва турмуш тарзига эга қадимий қишлоқларидан бири. Жейнов ҳунармандлари тўқиган арабий гиламлар, жундан қилинган нафис рўзғор буюмлари, хурҗун, отга ёпиладиган анжомлар, турли хил поёндозлар қадим-қадимдан атроф туманларда машҳур булган. Асли чорвачилик билан шуғулланиб келган жейновликлар бугунги кунда галла ва пахта етиштириш, боғдорчилик, узумчилик соҳаларида ҳам пешқадамдир. «Жейнов» жамоа-ширкат хўжалиги деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларида қулга киритаётган ютуқлар қадимий қишлоқда шаҳардагидек замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, турмуш тарзини юксалтириш, обод ва шинам маданият иншоотлари қуриш имконини бераётир.

Соҳибқирон Амир Темур қадамжоларидаги бу манзил айниқса мустақиллик йилларида тез равнақ топмоқда. Хўжалик аҳли ўз иш ҳақларини ой сайин олишаётир. Бу ерда араблар маданият маркази ишлаб турибди. Яқинда эса «Жейнов» хўжалиги ҳомийлигида «Жейнов тарихи» китоби куп минг нусхада чоп қилинди. Қишлоқ ёшлари ўз аждодлари, қавмлари тарихини ўрганиш билан бирга туман ва вилоят ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар.

Яқинда Усмон Юсупов тумани ҳокимлиги, Қашқадаре вилояти Амир Темур жамғармаси ва шу хўжалик ташаббуси билан соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб хўжалик маданият саройида катта илмий амалий анжуман булиб ўтди. Анжуман халқ амалий санъати музейи ва туман рассомлари қурик-танлови иштирокчилари ташкил этган кургазма очилиши билан бошланди. Хўжалик раҳбари М. Саидов анжуманга ташриф буюрган ёзувчилар, олимлар, жамоатчилик вакилларини мустақиллик йилларида жейновликлар иқтисодда, ижтимоий-маънавий ҳаётда эришаётган ютуқлар билан таништирди. Узбекистон халқ ёзувчиси О. Ёқубов. таниқли шоир Ж. Жабборов, Қарши Давлат дорилфунуни доценти П. Равшанов, «Узбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири ўринбосари М. Абдуллаев, профессор О. Жўрақулов, вилоят Амир Темур жамғармаси раиси И. Тўхтамишев, туман ҳокими Ё. Турсунов ва бошқалар ўз сўзларида ватаннинг даҳо фарзанди Амир Темур тарихи ва маънавий меросини ўрганиш, адабиётимизда соҳибқирон сиймосининг яратилиши, халқнинг миллий ғурурини уйғотишда она тарихни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритдилар. Шундан сўнг Жейнов қишлоғида истиқомат қилувчи ёши улуғ кишилар — аср тенгдошлари билан мулоқот бўлди. Хўжаликда янгидан барпо этилган мевани қайта ишлаш заводи, янги бозор, қўш қаватли савдо мажмуининг очилиш маросимлари бўлди. Темурхонлик янгидан бунёд этилган Амир Темур боғида давом этди.

Ўз ахборотимиз

ОЛИМНИНГ МУБОРАК ЁШИ

Бизда шу чоққача эллик, олтмиш, етмиш ва ҳоказо ёшга тулган ҳурматли одамларнинг туғилган саналарини нишонлаш урф бўлиб келганди. Эндиликда юртимизнинг мустақиллиги боис халқимизнинг ўтмиш маънавий қадриятларини тиклаш билан бирга, исломий маданият сарчашмалари ҳам қайта юз очаётир. Ислом маърифатининг муборак удумлари урф бўлмоқда. Шундай удумлардан бири муборак пайғамбар ёшига етган сананинг нишонланишидир. Бугун ана шундай айёмини нишонлаётган таниқли санъатшунос олимларимиздан бири Тошкент давлат Санъат институти театр, кино ва телерадио факултети декани, республика Театр арбоблари уюшмаси аъзоси Маҳкам Исроиловдир.

Биз кўпинча актёрнинг маҳоратидан завқланамиз, унинг юрагимиз тубига етиб борувчи ҳоҳ орзу-умидларга, ҳоҳ армонларга тўла сўзлари ҳаёлимизни чулғайди, уйлатади, ҳатто баъзан йиғлатади. Лекин ана шу сўзларни сеҳрли қуролга айлантира олувчи актёрга бу сирлардан сабоқ берган одамларни кўпам эслайвермаймиз. Бугун муборак ёшини нишонлаётган Маҳкам ака ҳам ана шундай ҳурматга сазовор саҳна нутқи доллаларидан бири.

М. Исроилов Санъат институтини тугатгандан буён шу ерда талабаларга сабоқ бериб келмоқда. Институтда домлалик қилиш билан бирга, Янгийўлдаги халқ ҳаваскорлик театрида ҳам бир неча асарларни саҳнага қўйганлар. Маҳкам аканинг сабоқлари яна шунинг учун ҳам қадрлики у Муқимий ва Ҳамза номидаги театрларда актёр сифатида фаолият кўрсатиб, амалий тайёргарликларини мустаҳкамлаганлар.

Ўтган даврлар ичида институтни қанчадан-қанча актёрлар тугатиб, бугунги кунда республикамизнинг турли бурчакларида фаолият кўрсатмоқда. Демак, Маҳкам аканинг талабалари унинг сабоқларини амалда қўлламоқдалар. Бугун биз ана шу собиқ талабалар, шогирдлар, барча ҳамкасблари номидан қутлуг ёшлари билан қутлаймиз.



Зулфия МУМИНОВА

КИ БИР АЗИЗ ГУЛХАН КЎРДИМ...

* * *

Кулгингиз — қиш чоғи атиргул,
Қаҳрингиз — чиллада қордир, ёр.
Қиличдек кесдингиз гумонни
Гумонлар бўйнимга дордир, ёр.

Тим қора кўзларинг тубида
Оқ субҳу содиқлар боқар, ёр.
Минг сирли саволлар ичинда
Минг сирли сандиқлар оқар, ёр.

Музликлар эригай боқсангиз,
Оловсиз, кўзлари чўғлисиз.
Сиз паризотларнинг укаси,
Сиз парипайкарнинг ўғлисиз.

Сиз оттан олмалар оддиймас,
Олтиндир, кулгиси кумуш, ёр.
Сиз тутган оқ гуллар пичирлаб,
Қўлимга нималар демиш, ёр.

Иккита қизингиз — икки кўзингиз,
Остонам беғубор мамлакат.
Ўт, сувдан, туҳматдан асрасин,
Ибодат қиларман, ибодат.

Юрагим устида бир кийик
Яшайди, туёғи олмосдан.
Гийбатлар — беш оғиз, қўш оғиз
Дегайсиз: Йиғлатиб қўймасман.

Кўнглингиз — баҳорлар ўлкаси,
Ботирлар ичида туғлисиз.
Сиз паризотларнинг укаси,
Сиз парипайкарнинг ўғлисиз.

ГЎДАКНИНГ ТОМЧИ ЁШИДА...

Ким воз кечди, ким унутди,
Нокасларни туман ютди,
Неки хазон, чаман ютди,
Ишончларни гумон ютди
Гўдакнинг томчи ёшида.

Юз йил ўтар, минг йил ўтар,
Бу очунинг шодлик тутар,
Бу очунинг оқлик тутар,
Кўрдим номардни не кутар,
Гўдакнинг томчи ёшида.

Ўчган куллар ёнишини,
Қайтар дунё қайтишини,
Ким ўлар чоғ айтишини,
Кўрдим номарднинг ишини
Гўдакнинг томчи ёшида.

Эритдим, музлар заҳмини
Нафас кўргай, оғиз кўргай,
Тиқилиб бир парча олов
Томоқ кўргай, бўғиз кўргай.
Кўз ёшлардаги туз ургай,
Кўрдим нокас қандай тургай
Гўдакнинг томчи ёшида.

Тошларни осмон чорламас,
Чумоли кўкка ўрламас,
«Султон суягин хўрламас»,
Шармисор ултонни кўрдим,
Пастлаган осмонни кўрдим,
Аламли достонни кўрдим
Гўдакнинг томчи ёшида.

Тириклайин ўлган кўрдим,
Кўнглига қул бўлган кўрдим,
Қочиради ҳўрликларни,
Исинтирар чўриларни,
Қалтиратар бўриларни,
Ки бир азиз гулхан кўрдим.
Гўдакнинг томчи ёшида.

ҚАЙНОНАМГА

Иккаламиз бир йигитни туш кўрамиз,
Иккимизнинг томирларда боғлар туташ.
Ўшани деб эзгуликка хез юрамиз,
Дардлар туташ, дардли дилда боғлар туташ.
Юракларда оққуш оппоқ парқу ёйган,
Фақат оху болалаган тоғлар туташ.
Қўрсатдингиз калитингиз қайда турар,
Уғри кирмас энди ўнгу соғлар туташ.
Гар тошсангиз маҳзун-маҳзун қўшиқ айтиб,
Селу себор йиғлаб чиққан чоғлар туташ.
Сиз бир карвон олтин тўла, кумуш тўла,
Ҳумларингиз қароқчилар тешолмабдир.
Сиз бир арқон жон ипидан бунёд арқон
Эгри қўллар, эгри тиллар эшолмабдир.
Мен ҳам карвон сиз томон йўл бошлаган,
Қўнғироқлар чалаётган зорлар туташ.
Энди йўллар туташ бўлди ўртадаги
Қишлар туташ, рўмол ости қорлар туташ.
Тўққиз кеча тўққиз кунни нурга чайиб,
Сабр туташ, бардош отли конлар туташ.
Елкасида тоғ кўтарган нозик жусса,
Энам, сизга жоним туташ, жонлар туташ.
Сиз бош эккан бешикларни кўзга суртай,
Ул бешикда ўзбек, Ўзбекистонлар туташ.

Шомил АЛЯДИН



Шафқатсиз ўлим орамиздан атоқли қримтатар ёзувчиси Шомил Алядинни олиб кетди. Кўпмиллатли Ўзбекистон адабиёти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган мумтоз адиб оғир касалликдан сўнг 84 ёшида вафот этди.

Шомил Алядин 1912 йили 12 июлда Қримнинг Боғчасарой туманидаги Махулдур қишлоғида туғилди. Симферопол техникумини битиргач, Тошкент Мелиорация ва Педагогика институтларида ўқиди. Талабалик йилларидан ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлади. Меҳнат фаолиятини Чирчиқ Электрокимё комбинатининг қурилишида экскаваторчиликдан бошлади.

Катта мақсадга йўналтирилган ижодий изланишлари уни Қрим Ёзувчилар уюшмасининг раиси даражасига кўтарди.

Фашизмга қарши урушнинг бошидан охиригача жангда бўлган Шомил Алядин оғир яраланди. Урушдан кейин 1945-1949 йиллари ўзбек ёш томошабинлар театрига раҳбарлик қилди. Адиб 1949-1980 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, Адабиёт жамғармасининг раиси, уюшманинг масъул котиби сифатида қизғин ижодий фаолият кўрсатди. 1980-1985 йилларда «Йилдиз» («Юлдуз») журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлади.

Шомил Алядин ўттиздан зиёд назм ва наср тўпламларининг муаллифи бўлиб, айниқса, Ўзбекистон билан боғлиқ «Сенмисан, ўғлим», «Элмаз», «Бўрон тинганда», «Иблиснинг зиёфатига даъват» каби қиссалари китобхонларнинг севимли асарларига айланди. Чирчиқ шаҳрининг бунёд қилиниши тўғрисида «Агар севсанг», Оҳангарон кончилари ҳаётидан олиб ёзилган «Тонг отгунча чарақлаган чироқлар» романлари билан шуҳрат қозонди.

Шомил Алядин кўпмиллатли Ўзбекистон адабиёти ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонларига сазовор бўлган эди.

Заҳматкаш адиб, самимий дўстимиз ва биродаримизнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ КОТИБИЯТИ

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Ўзбекистон миллий театри ўзининг яна бир истеъдодли, устоз санъаткоридан жудо бўлди. Қашқадарё вилоят М. Тошмуҳамедов номидаги давлат мусиқали драма ва комедия театрининг етакчи актёри, Ўзбекистон халқ артисти Омон Беганчиев 55 ёшида тўсатдан вафот этди.

1941 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги Жума шаҳрида туғилган бўлажак халқ артисти О.Беганчиев 1959—1963 йиллари Тошкент театр институтида таҳсил олгач, 1963—1966 йилларда Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят давлат драма театрида, 1966 йилдан то умрининг охирига қадар Қашқадарё вилоят Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги давлат театрида етакчи актёр сифатида фаолият кўрсатди. Наби Ҳазрийнинг «Соҳиллар ва тақдирлар» драмасида Ёнар, Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедиясида Суқсуров, Родзинскийнинг «Суқрот» драмасида Анит, Фитратнинг «Абулфайзхон» фожиасида Нодиршоҳ, Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмасида Ҳазрати Ҳозир Алайҳиссалом, Аҳмад Яссавий ва бошқа драма асарларида юздан ортиқ у яратган образлар томошабин қалбидан бир умрга жой олди.

Ҳукуматимиз О. Беганчиевнинг миллий театримизга қилган хизматларини муносиб тақдирлаб, унга 1978 йилда Хизмат кўрсатган артист, 1988 йилда Ўзбекистон халқ артисти деган фахрий унвонлар берди. 1993 йилда эса Халқаро Аҳмад Яссавий мукофотига сазовор бўлди.

Фидойи санъаткорнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ

ДРАМАТУРГИЯМИЗДА ЯНГИ САҲИФА

Таниқли шоир Абдулла Орипов Ўзбекистонда улуғ салтанат яратган соҳибқирон Амир Темур ҳақида шеърий драма битди. Бу асарни яқинда Қашқадарё вилоят театри саҳналаштирди.

Бир жиҳатдан Амир Темур ҳақида асар яратиш осон кўринади. Бу улуғ сиймо ҳақида бутун жаҳонда асрлар давомида сонсиз-саноқсиз илмий ва бадиий асарлар яратилган. Уларнинг талқини ҳам ҳар хил. Бир хилларида Темурнинг жаҳон тарихи олдидаги хизмати мамнуният билан қайд қилинса, бошқа бирларида унинг тарихдаги ўрни ҳоралаланади. Тарих тараққиётига зарар етказган шахс сифатида талқин этилади.

Иккинчи жиҳатдан ўз вақтида дунёни ларзага солган жаҳонгир ҳақида асар ёзиш анча мушкул кўринади. Чунки бу улуғ шахснинг ҳаёти, унинг жаҳонгирлик фаолияти тарих мулкига айланганлигига мана олти ярим аср бўлаяпти. Бу давр ичида унинг фаолияти ва характер хислатларига тегишли айрим нуқталар хиралашган, баъзилари эса учиб кетган бўлиши мумкин. Уларни тарих мантиқига қараб қайта тиклаш зарур эди.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Соҳибқирон ҳақида ўзига хос асар яратиш учун унинг ҳаёт йўли, бутун фаолиятини умуминсоний улчовлар тарозисига солиб кўриш керак бўлади. Демак, унинг фаолиятига хос ахлоқий ва фалсафий қирраларни аниқ ва лўнда қилиб очиб бера билиш керак. Шу маънода Амир Темур образини яратиш учун қўлига қалам олган адиб ноёб истеъдод соҳиби, айни пайтда образ яратиш мактабига эга санъаткор бўлиши зарур. Бугун қатор шеърлари, поэмалари, драматик талқинлари билан танилган Абдулла Орипов ана шундай истеъдодли сўз санъаткоридир!

Абдулла Орипов илк шеърларидан бошлаб Темур мавзусига муносабат билдириб келади. Бироқ ҳар гал унинг фикр ва мушоҳадалари қиёмига етмай қолиб кетарди. Бунга сабаб битта: мафкуравий яккаҳокимлик даврида ёзилган ҳамма тўғонлар олиб ташланди. Халқимиз билан баробар тарихимиз ҳам, жумладан, Амир Темур ҳам эркинликка чиқди. Ижодкорлар бу образни яратишда ўз маҳоратларининг барча жилоларини ишга солишга имкон топдилар.

Санъат сирларидан тасаввури саёзроқ одам жаҳонни ларзага солган улуғ сиймо фаолиятининг сирларини қандай қилиб бир саҳна асарига сиғдириши мумкин деб хавотирланиши табиий. Санъатнинг қудрати ҳам шунда. Ҳақиқий санъаткор ижодида асрлар ҳаёти акс этиши мумкин, бамисоли бир томчи сувда дунё акс этганидек.

Тарихан Амир Темур фаолиятининг жўғрофияси бениҳоя кенг. Уни банд қилган ва ечимига интилган муаммолар ҳисобсиз. Жаҳонгирнинг характер қирралари ҳам ранг-баранг. Абдулла Орипов бу кенгликдан, муаммолардан, ранг-барангликлардан энг зарурларини, энг маъноларини топа олган ва акс эттира олган. Зотан адабиёт ва санъатнинг қудрати ҳам шунда. Масалан, Амир Темурнинг онгли ҳаёти жангларда ўтган бўлса ҳам шоир бу жанглардан биттасини — Боязид билан бўлган жангнинг қисқа тафсилотини бериш билан чекланади. Асарнинг охирги қисмида Хитойга юриш тараддудлари ҳақида гап кетади холос. Жаҳонгирликка тегишли бошқа воқеалар кўпроқ маълумот сифатида санаб ўтилади. Шунга қараб баъзилар асарда «драматик ҳаракат» кам экан деган фикрга келишлари ҳам мумкин. Аммо унга чуқурроқ назар ташласак, бутунлай бошқа бир манзара пайдо бўлади. Шоир воқеаларнинг ташқи белгиларидан кўра унинг ички маъносига ўрғу беради. Уни асосан Темурнинг ўй-ўрзулари, фикр ва кечинмалари, фалсафий мушоҳадалари банд қилади. Шу орқали у йирик-йирик воқеалар силсиласини тақлил қилиб беради.

Абдулла Орипов талқинида Темур ўз қилмишларини ўзи назорат қила оладиган бир шахс. Ўз иқрорига қараганда у онадан шамшир билан туғилган эмас, ёшлигида йилқи боққан, қир ва адирларда шодон яйраган. Юлдузларга қараб баъзан байтлар битган...

Бироқ шу шодонликлар узоқ давом қилмаган. Йигитлик давридан бошлаб қисмат унинг қўлига қилич тутқазган. Аслида бу тарихий зарурат эди. Асрлар давомида Туркистон чингизийлар қўлида бўлди. Туроннинг мард ўғлонлари элини, юртини озод қилиш учун қўлига қурол олдилар, қўллари бош қўйдилар бу йўлда. Темур шу заруратнинг маҳсули эди. Шоир Темур тилидан буни қуйидагича таърифлайди:

Мени мана кўриб турибсиз,
Боз устига фотиҳ дея ном олган Зотман.
Одам қавми ўз қисматин саҳроларида
Ташналиқдан лаби қақраб тентираган чоғ
Қўлтум сувдек керак бўлдим шекилли унга.
Чексиз чўлда инсоният карвони тарқаб
Бир-бирин тепиб,
Суриб қуғон бўлган пайт.
Мен уларни ишга тиздим бир сарбон бўлиб.

Демак, Темур фаолиятида тарих қонуниятлари бор. Бу қонуниятларни ҳаммадан бурун унинг ўзи англаган. Шу боисдан от минган, қўлига қилич олган.

Асарнинг бир жойида Амир Темур ўзининг бу иқрорини яна ҳам чуқурроқ далиллайди: «Мен чигал бир даврда яшадим». Ҳа, у яшаган давр ҳиқиқатан чигал эди. Асрлар давомида чингизийлар унинг ватанини талади, ёндирди, буздилар. Мамлакатнинг нуфузига чексиз зарар етказдилар. Чингизийлар ҳукмрон бўлса ҳам халқ қурашдан толмади. Темур сўзлари билан айтганда у бу қурашда урилиб-сурилиб юрган ватанпарварларни йиғди ва унга бошчилик қилди. Темур тарихий чигалликка яна ишора қилиб, дейди: «Ўлдирмасанг, ўлдирурлар!»

Демак, қурашнинг оқими ё ҳаёт, ё мамот эди.

Жаҳон тарихида юришу қурашларнинг ҳар хил йўналишда рўй бергани маълум. Бироқ Амир Темур фаолияти аниқ маслак асосида рўй берган. Асарда айтилганидек, у на бойлик орттириш қизиқади, на — маишатга. «Менга етгай бир бурда нон ҳам» дейди у, ўзи ҳақида кейин айтилиши мумкин бўлган бўҳтончилар билан баҳсга киришгандек. У от миниб, қилич қўтариб Ватан деди, Ислом деди, Адолат деди. Ортиннинг моҳридан баҳра олганлиги турган гап. Саркарданинг маънавият оламига қўйган меҳри чексиз экани Ҳофиз Шерозий билан шеърият хусусидаги баҳсларидан маълум. Унинг санъатга, хусусан, шеъриятга бўлган муҳаббати Ҳофизга қараб айтган қуйидаги сўзлардан кўриниб турибди.

Энди бир байт ҳадя қилсин Сизга Темур ҳам:
— Ўз лафзидан тинглаш учун Ҳофиз шеърини,
Қайта бошдан забт этардим Эрон ерини.

У жанг майдонида таслим бўлган душманига ҳам ғазабнок муносабатда бўлишдан ўзини тия билади. Жанга кириб душманга қарши қурол кўтариш осон иш эмас. Жон олиб, жон беришларида ҳар бир жангчига кимнингдир меҳри зарур эканлигини соҳибқирон яхши билар эди. Шу боисдан унинг лашкарларга бўлган меҳри чексиз. Ҳар бир саркарда, ҳар бир суворий унинг назарида туради. Қаҳрамонлик кўрсатган жангчиларидан ўз марҳаматини аямайди. Қўшин унинг учун салтанатнинг устунларидан биридир.

Асарнинг, хусусан драматик асарнинг қиммати кўпроқ ечимига боғлиқ. Ечим қай даражада маънодор, қай даражада ҳаётий бўлса, асар шу даражада мукаммалдир. Бир зум юқорида қайд қилинган Темур фаолиятига тегишли воқеаларни хаёлдан ўтказайлик.

Агар уларни шу бўлишича қабул қиладиган бўлсак, драма «маълумотлар» йиғиндисидан иборат бўлиб қолар эди.

Асарнинг охирги пардасида берилган ечим бу маълумотларга катта ва муҳим эстетик маъно бағишлайдики, бу Абдулла Орипов маҳоратининг маҳсулидир.

Темур Хитой томон лашкар тортади. Тун. У ўзи қурдирган Яссавий мақбарасида. Яссавий руҳидан оқ йўл тиламоқчи у. Шу ўринда пайдо бўлиб қолган Ҳазрати Хизир ва унинг қиёфасида намоён бўлган Яссавий. Асарнинг юқори қисмларидан маълумки, Темур барча азиз авлиёлар ичида кўпроқ Яссавийга сиғинган. Эндиликда умр бўйи уни қийнаб келаётган муаммолар шу ерда, яъни Яссавий ҳузурида ҳал бўлиши керак.

Темур адолат учун жанга жадал отига минган. Шу йўлда у тумонот шаҳарларни эл-элатларни қўлга киритган жаҳонгир. Бироқ у умрини бағишлаган жанга жадалларни катта олов тарзида тасаввур қилайлик. Буни Амир Темур яхши билади. Энди умр охирига етай деб қолганда Соҳибқирон сарҳисоб қилади. Бунинг учун унда катта ирода кучи ҳам бор эди.

Тинсиз жанга жадал билан ўтди ҳаётим
Балки қанча умрларга зомин бўлганман.
Охиратда этагимдан тутмасми улар?

Темур Яссавийдан бу саволга жавоб олмоқчи. Яссавийнинг жавоби аниқ эди:

Ният қанча жозибали бўлса ҳам, Темур,
Қилич билан мурод ҳосил бўлмоғи гумон.

Иккита улуғ сиймо, иккита фалсафа. Бири адолат ўрнатиш учун юриш қилади. Бу йўлни бирдан бир тўғри йўл деб тушунади. Иккинчиси инсониятни инсофга чақиради. Унинг қиличи ҳам, лашкари ҳам битта — Сўз. Сўз билан у кўнгилларни забт этмоқчи. Шу билан сонсиз-саноқсиз қўшинлар амалга ошира олмаган эзгу ишларни бошқармоқчи.

Бири — Темур ўз ақидаларидан бир қадам ҳам силжимоқчи эмас. Агар у маҳв этмаса, уни маҳв этадилар. У Яссавийдан фақат мадад сураяпти, холос. Иккинчиси ҳам ўз ақидаларига содиқ. Темурни йўлдан қайтармоқчи. Адолат учун қон тўкиб, озгина бўлса ҳам адолатсизликка йўл қўйишга қарши у. Шу йўсинда Темурни охирги сафардан қайтармоқчи. Бироқ Темур бамисоли арслон. У изидан қайтмоқчи эмас.

Хуллас, асар ечимида Темур бутун ҳаётига якун ясайди. У англайдики, адолат учун олиб борилган жанг-гу жадаллар Темур уйлаганича доим ҳам адолатли бўлавермаган.

Бу жиҳатдан Абдулла Орипов драмаси маълум даражада фожеий йўналиш касб этади. От суриб, қарийб дунёнинг ярмини забт этган ва улуғ салтанатни тиклаган жаҳонгир ўз фаолияти ҳусусида ўйга толади. Бу ишларнинг маъносини чақмоқчи бўлади. Шу маънода саркарда қисмати фожеийдир. Шоир талқинида бу ҳол ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Темур қисқа умри давомида бир неча умрлар қила олмайдиган ишларни бошқарди. У Турон салтанатини яратди. Тарқидай сочилган тарқоқ миллат ва халқларни бирлаштирди. Оврупо тили билан айтганда, Ренессанс деб аталадиган мислсиз маданият конини барпо қилди. Учмас обидалар қурдирди. Мамлакатни бошқариш тартиб-тузгунларини яратди. Буларнинг ҳаммаси Темурдан қолган меросдир бизга. Соҳибқирон фаолиятининг қиймати томонлари ҳам шунда. Абдулла Орипов бу меросни тўла англаган ҳолда қалам тебратган.

Қашқадарё вилоят театри ижодий жамоаси драманинг юқорида қайд қилинган фазилатларини саҳнада намоён қила олди. Тезкорлик билан қилинган бу иш театр ижодий жамоаси кўрсатган ўзига хос жасорат бўлди.

Саҳналаштирувчи режиссёр Абдураҳмон Абдуназаров асар давомида драматизмни бўшаштирмасликка муваффақ бўлган.

Амир Темур сиймосида салобат ва унга хос ҳаёт фалсафасини актёр Музаффар Турақулов меъёрига етказиб бера олди. Хусусан, Яссавий руҳи билан бўлган мусоҳабадаги ва Амир Темурнинг ҳаёти охиридаги чуқур кечинмалар актёр қиёфасида яна ҳам тўлароқ очилади.

Ҳар гал яхши асарнинг саҳнада қўйилиши ўзига хос ижодий оригиналлик касб этиши табиий. Шу йўсинда актёр маҳорати мукаммалаша боради. Шундай экан Амир Темур образида мавжуд бўлган руҳий жилолар асарнинг бош саҳналарида ҳам чуқурроқ акс этса Темур сиймоси янада тўлароқ очилган бўларди.

Республикада хизмат кўрсатган артист Ҳусан Амирқулов талқинидаги Боязид ролини асарнинг муваффақиятли чиққан образларидан бири сифатида қайд этиш мумкин.

Бибихоним образини яратган Р. Мустафоева маликага хос салобатни янада тўлароқ намоён этади, деган умиддамиз. Бибихонимнинг ҳам ташқи, ҳам ички оламига тегишли тарихий ҳақиқатни тўлароқ акс эттириш драма ижрочиларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон халқ артисти Омон Беганчиев (марҳум)нинг Яссавий образини яратишдаги маҳорати ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Й. Раҳимовнинг Сартарош образини яратишдаги ижодий меҳнати асарнинг композицион жиҳатидан яхлит чиқишини ва психологик жиҳатдан ишонарли бўлишини таъминлай олган.

Оммавий саҳналарни ташкил этиш ва табиий гавдалантиришда ҳам режиссёр ва саҳналаштирувчи мусаввир танлаган Темур даври руҳига хос кўринишлар асарда яхлитлик ва руҳий уйғунликни ярата олган.

Хуллас, Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан ўзбек драматургиясида янги бир саҳифа очилди. Бу саҳифани Қашқадарё вилоят театри биринчилардан бўлиб томошабинларга тақдим қилди.

Китобингизни ўқидим

САОДАТ СУРУРИ

«Шоирлар дунёнинг тан олинмаган қувончларидир», деган эди бир аллома. Бу далли, бегараз «қувонч» ҳамманики эмас. У «элга келган туй»дай келмайди. Шунинг учун ҳам у оммавий, байрамона эмас. Шунинг учун ҳам у «тан олинмаган қувонч»дир.

Лекин сиртдан шундай. Ичкарида бошқа манзара. «Нурлар жилва қилар» ичкарида. Бироқ буни илғаш учун уйғоқ нигоҳ керак. Шоир худбин эмас, унинг «қунгил осмони ҳамиша очиқ». У биздан шуниси билан фарқланади. Кейин у инжиқроқ ҳам бўлади. Қайфияти қунимсиз, капалакдай гулдан-гулга учиб юради. У:

Анор рангли тонглар отиб,
Меҳмон бўлди ҳаяжон,
Айтганларинг бўй кўрсатиб,
Насиб қилди, Онажон!..

деб, бир оздан сўнг:

Умрим қанча,
Яратган билар,
Сўзларимни ҳали айтмадим.
Тинчлик бермас қалбимга улар,
Сўзлар Сизни олиб қайтмадим —

деса ажабланманг. Чунки кўп ўтмай:

Умрим бари сизга аталган,
Албат бир кун шодон қайтаман.
Дил ҳапқириб қувончга тўлган
Сўзларимни албат айтаман —

дейиши мумкин. Унинг сатрлари маълум қолипга тушмайди. Расмиятчилик, ёлғон мулозаматлар йўқ. У самимий гапиради. Шунинг учун ҳам сиз «Булоқлар бўйида хандон отаётган яшилзлар»га ишонасиз. Унинг «кетиб борар мен излаган байт!» деган гапига шубҳаланмайсиз.

Аслида «шоир» «самимият»нинг синоними эмас. Лекин улар доим бирга — бир-бирининг қўлидан ушлаб юради. Шоир самимиятнинг боласи — самимият ўйлаб топган, ихтиро этган мўъжизадир.

Кечир мени, сингилжон,
Сендан хабар олмадим,
Ташвиш комига тортди,
Ундан ортиб қолмадим.

Бу ерда киноя йўқ. Ортиқча безак ҳам ҳузур ташланмайди. Самимий, содда ҳолатлардан тузилган шеърнинг бир банди. Шоир — эзгу ниятлар илинжида қишлоғи, онаси, туғишганларини ташлаб олис шаҳарга келган мусофир йигит изтироби. Бундай изтироб чекаётган йигитнинг қунглига қил сиғмайди. Ҳар қандай «илинж — миттираган тундаги чироқ»дай, барча умидларни «бир кечада аждар — тун ютган»дай туюлади. Шунда у «бум-буш ўксик бир қалб»га айланади, «Ойга қараб хўрсинади жим». Шунда қалбнинг туридан гурурми, соғинчми — бир қуч гупириб тошиб келади. Ва у «Айтгин, нима қилайин», деган ҳайқириққа айланади. Бу чорасиз одамнинг ҳайқириғи эмас, сокин бир ноладга ўхшайди. Одамнинг бошига қургилик тушганда, соғинч ёхуд қайгудан қунгил эзилганда шундай бўлади. Гапираётиб оғзинг қимирламайди. Бутун тананг тўлганидай. Бутун вужудинг сўзга айланади.

У, бўғзимда қолган — сўз,
Қалбга ларза солган сўз,
Вуждимни олган сўз,
Аждар каби ётибсан,
Чўлдай дилга ботибсан!

Ҳақиқатни, адолатни ўрнатиш шеъриятнинг вазифаси, десак ноўрин бўлар, балки. Лекин барибир шеърда тоҳ исёнкор, тоҳ самимий ва дилкаш инсон қалби жилваланиб туради. Кейинги ўн йилликларда шеъриятда ижтимоий фикр айтиш урфга айланган эди. Албатта, бунинг маълум сабаблари бўлиб, бу сабаблар эндиликда бизга анча ойдинлашиб қолди.

Кейинги тўрт-беш йил эса мана шу хатоларни тузатди. Шеърият яна ўз водийсига қайтди. Инсон қалби, шахснинг интим кечинмалари шеъриятнинг бош мавзусига айлана бошлади. Буни ушбу шеърдан олинган қуйидаги парчада ҳам кўриш бўлади:

Атиргул жилмаяди
Супа томон боққанча
Райҳонларнинг сочидан
Уфуради бир хушбўй.
Бошларига беҳисоб
Яшил баргак таққанча
Йўл бошида мажнунтол
Бошин эгиб сурар ўй.

Бу шеър гарчи ҳеч нарсага чорламаса-да, даъват қилмаса-да, шоир яратган манзарани кўриб кўнглингиз яйрайди. Ажиб бир орзиқиш туясиз. Ёки мана бу шеър:

Майсалар кафтида рақс этар қўёш,
Атиргул юзига шабнам боқар лаб.
Дарахтлар қучоғи қушларга сирдош,
Шамоллар тиллашиб турар шовуллаб.

Бу ерда сизнинг қунглингизга тегадиган, ташингизни келтирадиган нарса йўқ. Балки сиз минг марта кўрган, лекин ҳис этмаган қундалик ҳодиса сурати. Фақат шоир уни майда-майда булакларга бўлиб, муфассал тасвирлаган. Яхши шеър одамнинг тафтини олади, сирдош бўлади. Қунгилда барча ғуборинг ёйилади уни ўқиб. Ундаги гамбода сапларни ўқиб, гамга ботмайсан, балки қунгилни гамдан тозалайсан, енгил тортасан. Яхши шеър одамни тўғри маънода улғайтиради...

Мулоҳазаларимиз истеъдодли шоир Ўткир Раҳматнинг шу йил Чўлпон нашриётида чоп этилган «Шукрона» китобидан ўрин олган ўнлаб шеърларга тегишлидир.

Ўрол СОДИҚ

НАМАНГАННИНГ ЎЗ БАЙРАМЛАРИ

Ғазал ва гул азалдан Шарқнинг фазилати ҳисобланади. Ғарбнинг улуғ шоирлари Шарқнинг оловдай тафтли ғазалларига ошуфтаю маҳлиё бўлганлари бежиз эмас.

Машраб таваллуд топган юрт— Наманганда бу йил бешинчи марта шоир ғазалларининг гулхани ёнларга чўг солди. Шоир номидаги боғдан бошланган машрабхонлик тантаналари бутун шаҳарга ёйилди. Машраб ғазалларининг сеҳру ҳикмати кексаю ёшни бирдай ҳайратга солди. Асрларга ўз маъно мантиғини бағишлаб келаётган Машраб сўзи халқимизнинг сўзи. Ватанимизнинг абадиятга қоладиган сўзидир. Ғазал қуй-қўшиқсиз бўлмайди. Машрабхонлик тантанасига тўпланганларни шоир ғазалларининг Камолиддин Раҳимов ва бошқа санъаткорлар ижросидаги қўшиқлари хушнуд этди.

Вилоят театри санъаткорлари талқинидаги «Шарқ шоирлари мушоираси» байрам руҳига қадимий Шарқ руҳини бағишлади.

Машраб замонида ҳам, ундан кейин ҳам савоб Шарқ ахлоқининг фазилати саналган. Шу маънода Машрабхонлик байрами иштирокчилари болаларнинг хатна тўйлари, ёшларнинг никоҳ тантаналарига ҳам ташриф буюрдилар.

Болалар ва ёшларнинг ҳар бирига тўй совғаси сифатида алоҳида ҳисоб дафтарчаси очиб, беш юз ва минг сумдан пул қўйилди. Машрабхонлик байрамига ташриф буюрганларни, тўй болалар ва тақдирини бир-бирига боғлаётган ёшларни вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Бургутали Рапиғалиев табриклади.

Шеър ва ғазалхонлик, қуй ва қўшиқ қувончи шаҳарнинг Бобур боғида ўтаётган гул байрамидаги шодликда, руҳий кўтаринкиликда давом этди. Айтиш лозимки, гул байрами вилоятда ўттиз олти йилдан буён ўтказилади. Шу маънода бу байрам Наманганнинг ўз байрамига айланиб қолди.

Гул байрами чиндан ҳам гулларнинг анжумани экан. Бир-биридан чиройли гуллар гўё ўз чиройини кўз-кўз қилишга чиққанга ўхшайди. Ҳар бир киши ёки ҳар ташкилот гул байрамига ўз гули билан келиши, ўз гулини одамларга томоша қилдириши мумкин. Гул байрамини ғўзаллик, нафосат, яхши ният ва эзгулик байрами деса арзийди. Адибнинг дунёни ғўзаллик қутқаради, деган мантиғи ғўё гул байрамининг бош сарлавҳаси бўлди. Байрам ниҳоясида таниқли хонанда Муҳриддин Холиқов янги концерт дастурини намойиш этди.

Наманганнинг қўш байрамида адиб ва шоирлардан Саид Аҳмад, Ҳусниддин Шарипов, Йўлдош Сулаймон, Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа, Исмойил Маҳмуд ва бошқалар иштирок этдилар ва йиғилганларни қутладилар. Дилларидаги эзгу истаклар изҳор этилди. Янги асарлардан парчалар ўқилди.

Салим АШУР

Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Узбекистон театр арбоблари уюшмаси Қашқадарё вилоят М. Тошмуҳамедов номидаги давлат театри актёри Узбекистон халқ артисти **Омон БЕГАНЧИЕВнинг** бевақт вафот этганлигини оғир қайғу билан билдириб, марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Абдулҳамид Мажидийнинг 95 йиллиги

САТИРА УСТАСИ

20-30 йиллар ўзбек адабиётининг ўткир сатирик шоири Абдулҳамид Мажидий халқимизга бой маънавий мерос қолдирган. Унинг халқимиз маънавияти — адабиёти, санъати ва журналистикасига доир сон-саноқсиз асарлари кутубхоналарда, архивларда сақланиб келмоқда. Шоир ва драматург А. Мажидийнинг ўша даврларда эълон қилинган деярли барча сатирик ва юмористик асарлари, фелетонлари «Муштум», «Машраб» сатирик журналлари, «Озод Бухоро», «Зарафшон», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида

Чақмоқ, Абутанбал, Каттақўрғоний, Фалончи, Мажидзода, Зода каби тахаллуслар билан чоп этилган. Бундай асарлар сирасига «Шоирнинг ўз нафсига шикояти», «Дедим, деди», «Нотавон қизил чойхоналар», «Ҳазилкашга очиқ хат», «Шеър ўғриси», «Бир пой ботинка», «Драматургларга совға» каби бадиий пухта, ғоявий юксак ва мавзуи жиҳатдан хилма-хил бўлган юзлаб ҳикоя ва шеърлари киради.

Қуйида адиб қаламига мансуб бўлган айрим шеърларни ҳукмингизга ҳавола қиламиз.

ЕТИБ КЕЛ

(Бадхат ва имлодан саводсиз мухбир ва муаллимларимизга тегишиб)

ТАНҚАБОЙ[1]:

Агар хат ёзгудай бўлсанг мабодо,
Кетидан сен ўзинг ҳам тез етиб кел.
Хат эрмас, кўп чизиқлар пода-пода,
Табиат хитлигини сез, етиб кел.

АБУТАНБАЛ[2]:

Қоғознинг юзига нусха чизибсан,
Чўзиб ғиж-ғиж этиб, гапни эзибсан,
Ўзинг ҳам тер чиқармасдан қизибсан,
Этиб бир-икки кун парҳез, етиб кел.

ТАНҚАБОЙ:

У кўлми билмадимки ёки тўқмоқ,
Қийин бўлди бирор мазмунни чақмоқ,
Саводинг эгри-бугри, кўҳна сўқмоқ,
Очилди сен учун «ликбез», етиб кел.

АБУТАНБАЛ:

— Ёзиш қоидасининг астаси йўқ,
Қаламнинг бари бирдир, хастаси йўқ,
«С» ҳарфи бир ўроқдир, дастаси йўқ,
Бўлиб темирчи ё дегрез, етиб кел.

ТАНҚАБОЙ:

Отанг темирчими, тоза чўзибсан,
Чизиқлар тўпидан жумла тузибсан,
Саводни яхши судрабсан, бузибсан,
Уялсанг гар юзинг қил без, етиб кел.

АБУТАНБАЛ:

Ёзилган битта ҳарфинг бир муаммо,
Бу ҳарфми, сарфми ё исми мусаммо,
Тушунмоқ, бўлди кўп душвор, аммо,
Ҳал этмоққа ўзинг тур, етиб кел.

ТАНҚАБОЙ:

Чувалчангдан ясабсан ҳарфми, ҳалқа?
Ҳарфларни этибсан шалҳа-шалҳа,
Тақадан «С» ясабсан, нуқта—соққа,
«Т» ёзма, битта тўқмоқ чиз, етиб кел.

АБУТАНБАЛ:

Хатинг бад, маънисига етса бўлмас,
Будур мақсуди, деб ҳукм этса бўлмас,
Хатинг ташлаб, бош олиб кетса бўлмас,
Тур ўрнингдан, бўлиб нимхез, етиб кел.

ТАНҚАБОЙ:

Косов кўл бўлди расво бора-бора,
Қоғоз дод деб яқосин қилди пора,
Тушунмай Танқа, Танбалар овора,
Савод майдонини бир кез, етиб кел,
Ўзинг устингда бир тақриз битиб кел!

1936.

ТЎЙДАН КЕЙИН

Қишлоқларда хусусий тўйлар авж олиб, баъзи колхозчилар ўз даромадларини маданий эҳтиёжларига сарф этмасдан, кўпчиликка ош берай деб, қўлларидаги бор нарсаларидан ажралиб, пушаймон бўлмоқдалар. Бу шеър шулар тилидан.

Даромад тўпладим ишда тўкиб тер,
Топиб олдим бунинг сарфига тадбир,
Тўй этдим, ишга тушди катта кафгир,
Қўлим қолса қуруқ, йўл бор, қулоқ бер:
«Таваккалту аллоллони деган эр,
На талқону на қалқоннинг ғамин ер!»

Севиндим, тўй дедим, меҳримни қўйдим,
Сигирни сотдиму тўрт эчки сўйдим,
Қозонларни қуриб, ерларни ўйдим,
Бу ишдан майли ёндим, майли куйдим,
«Таваккалту аллоллони деган эр,
На талқону на қалқоннинг ғамин ер!»

Уйим оқланмаган, остимда йўқ кат,
Ювишга етмади кўрпамга навбат,
Тўйимда сарф бўлди шунча давлат,
Еган, ичган, кекирганларга раҳмат,
«Таваккалту аллоллони деган эр,
На талқону на қалқоннинг ғамин ер!»

Сафар банги, Эшим каллар очиб лаб,
Менинг бу «мард»лигимни кетди мақтаб,
Ўқишдан қолди уч кун янги мактаб,
Бутун ялқов еди ошимни терлаб,
«Таваккалту аллоллони деган эр,
На талқону на қалқоннинг ғамин ер!»

Тўй ўтди, юзларида энди қон йўқ,
Кийишига тахланиб турғон чопон йўқ,
Бир арриқ эчки бор, унга сомон йўқ
Товуқларда тухум тугмоққа жон йўқ.
«Таваккалту аллоллони деган эр,
На талқону на қалқоннинг ғамин ер!»

Еганлар тўйни бир ёнимга келмас,
Киши не ҳолда қолғонимни билмас,
Менинг дардимга ҳеч ким чора қилмас,
Йўқолғон давлатим энди топилмас,
«Таваккалту аллоллони деган эр,
На талқону на қалқоннинг ғамин ер!»

Дариғо, қилмадим бир фойдали иш,
Уйимда кўрмадим покиза турмуш,
Оғирлиқ остига қолди бу йил қиш,
Тўйим бўлди ўзимга катта ташвиш,
«Таваккалту аллоллони деган эр,
На талқону на қалқоннинг ғамин ер!»

1936.

МЎЪЖИЗА

(Товламачилар хусусида)

Кал Акбар доимо хандону хуррам,
Дилида заррадек гўёки йўқ ғам.
Ва лекин сиррини сақлайди маҳкам,
Тилни кўнглига қилмайди маҳрам.
Юзи хандонлиғидан урса ҳам дам,
Ғаму дарди нишот остида мубҳам,
Сўзида ростлигининг унсури кам,
Юзини хандасидекдир сўзи ҳам.
Топилмайди бу хил мўъжиза одам,
Ширин қулгуси — гиря, тўйи — мотам.

Жаҳонда битта топган ёри — ёлғон,
Дилининг хушлиги, дилдори — ёлғон,
Бировни севса, оҳу зори — ёлғон,
Сўкилса номус ила ори — ёлғон,
Бу кун бозор деса, бозори — ёлғон,
Отанг келди деса, ахбори — ёлғон,
Умрда битта касби кори — ёлғон,
Гапирган гапларининг бори — ёлғон.
Топилмайдир бу хил мўъжиза одам,
Ширин қулгуси — гиря, тўйи — мотам.

Илонни алдаса, чиққай инидан,
Эшонни қайтарур ҳатто динидан.
Агар иғвога чоқса, чоқинидан
Пичоқ иргиб чиқар шаксиз қинидан.
Хотинга яхши, ёлғону чинидан —
Хабарсиз, бу келининг ботинидан;
Айирган, сақлаган уч хотинидан,
Бунга тез туттирар ўз тизгинидан.
Топилмайдир бу хил мўъжиза одам,
Ширин қулгуси — гиря, тўйи — мотам.

Йиғиб тарқатди кўп афсона гапни,
Кўзини ўйнатиб, тебратди лабни.
Эридан ажратиб Бибиражабни,
Бузиб қўйди жасадда жим асабни,
Эри англаб бу хил нозик сабабни,
Хотин олдига қўйди кўп талабни.
Бу иш қайнатди томирда ғазабни,
Уруб Акбарни, эр бузди адабни.
Топилмайдилар бу хил мўъжиза одам,
Ширин қулгуси — гиря, тўйи — мотам.

Бурунги хотини ҳам қилди даъво,
Бу тинч турмушда қўпти катта ғавғо,
Айирғоч икки хотин бўлди пайдо,
Нафақа деб ариза қилди иншо.
Бўлуб суд, ҳамма даъвогар муҳайё,
Кал Акбар бўлди юрт олдида расво.
Бошида шунча ранго-ранг савдо,
Ва лекин рангини бузмайди асло!
Топилмайди бу хил мўъжиза одам,
Ширин қулгуси — гиря, тўйи — мотам.

Қизиқ одамки, тўрт ёни — тағофил,
Сўзининг вазни, мезони — тағофил,
Қочишга катта майдони — тағофил,
Жавобининг энг осони — тағофил,
Бели, белбоғи, хамёни — тағофил,
Томирда қайнаган қони — тағофил,
Бутун жисмида бор жони — тағофил,
Киши шаклида юрғони — тағофил,
Топилмайди бу хил мўъжиза одам,
Ширин қулгуси — гиря, тўйи — мотам.

Кал Акбарнинг яқинда тўйи бўлди,
Чиқарди ис, уйи меҳмонга тўлди.
Ажойиб базми Жамшидий қурилди,
Биров ўйнаб, биров илжайди, кулди.
Шу чоғ бир воқеа бирдан туғилди:
Янги қонун газетадан ўқилди.
Кар Акбар кўкрагига ниш урилди,
Қиёфатда тирик, маънода ўлди.
Топилмайди бу хил мўъжиза одам,
Ширин қулгуси — гиря, тўйи — мотам!
1926

Нашрга тайёрловчи Ҳ. УЗОҚОВ

1. Танқабой — Собир Абдулла.
2. Абутанбал — Абдулҳамид Мажидий.

КУРКАГА ҚИРОН КЕЛДИ

Одам боласи борки, нимагадир орзуманд бўлади. Кимдир орзусига етади, кимдир етолмай армонда кетади. Қорабулоқлик Шодиқул шапшак зиғирдайлигидан амалга ўч эди. Бирон мартабага етиш учун ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр турарди. Мактабда ўқиши ёмон эди, лекин синф раҳбарининг сигирига ўт ўриб, тариғини чумчуқдан қўриб бериб синфком бўлди. Армияга борганда уйдагилар юборган майиз, туршакларни командирининг уйига ташиб, ефрейтор унвонига эришди.

Ҳарбийдан генералдай гердайиб қайтган Шодиқулга қишлоқда табелчилик ҳам тегмади. Бир йилда ранги кетиб, қадди букчайиб қолди, одамларнинг тўғри гапигаям терс муомала қиладиган бўлгач, «Шапшак» деган лақабни орттирган.

Аммо йигит кишига омад кулиб боқса, ҳеч гап эмас экан. Шодиқул улфатларининг кунглини топиб, уларга жўрабоши бўлиб олди. Одамнинг кунгли кўтарилса, бўйи ҳам кўтарилар эмиш. Ана шундан кейин унинг синиққан рангига қон югуриб, қадди ростланиб, жўхори еган хўроздай гердайиб юрадиган бўлди.

Энди у жўрабоши бўлгани учун ҳам ҳафтада бир марта буладиган зиёфатнинг тўрида ўтирар, ҳамма нарсадан хабардор донишманддай йигитларга насиҳат қилар, кўрсатмалар берарди. Аввалига йигитлар Шодиқулнинг алмойи-алжойи гапларига кулиб қўя қолишди. Шодиқул ўзининг мартабасига кўникиб, жўрабошилик завқини сура бошлаганида унинг сирдоши, тенгдоши бўлган Каримқул кутилмаганда ғалва кўтариб, тақир ердан чанг чиқарди.

— Менга қаранглар, йигитлар, — деди у навбатдаги зиёфатга тўпланишганда, — жўрабошиликка шу Шодиқул мижғовдан бошқа одам қуриб қолганми? Давай, бошқа дурустроқ одамни сайлаймиз!

Шодиқул дастурхонга, чалпакка қўл чўзганча қотиб қолди. Улфатлар ҳам аввалдан пухта ўйланган режа бўйича Каримқулнинг гапини илиб кетишди:

— Эшитган қулоққаям яхши эмас, — деди Маннот пирча тақсимчадаги норинни чимдиб оғзига олиб борар экан, — жўрабошимиз Шодиқул десак, одамлар кулмайдими?

— Тўғри, жўрабоши сайлашда янглишдик, — деди пастроқда ўтирганлардан бири.

— Мени таклифим, — деди Каримқул атрофдагиларга кўз қисиб, — қўли очиқ, дастурхони очиқ, бизни тез-тез зиёфатга чақириб турадиган мард одам жўрабоши бўлсин!

— Тўғри таклиф, — дейишди бошқалар.

— Мана, масалан, — деди Каримқул мақсадга кўчиб, — жўрабоши, оқсоқол бўламан деган одам, хотинидан рухсат сўрамасдан эртага нонуштага шу ўтирганларни уйига чақириб, курка суйсин! Хўш, бу ишни ким қойиллатади?

Албатта буни қойиллатадиган мард чиқмади. Орага анча пайт жимлик чўкди. Ҳамма норинхўрлик қилаётгандай эди-ю аслида Каримқулнинг режаси асосида Шодиқулнинг ҳолатини зимдан кузатишарди. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, Шодиқулга жиндай жон кириб:

— Агар шу ишни ўзим қойиллатсам, ўрнимда қоламанми, — деди бўғиқ овозда.

— Буни энди йигитлар ҳал қилсин, — деди Каримқул ўзини бепарво кўрсатиб. — Кўпчилик нима деса, шу бўлади!

— Қойиллатсин, кейин кўрамиз, — деди Маннот.

— Э, бўлди, битта зиёфат сенлардан айлансин! Бир катак курка боқиб ётибмиз, бирини суйсак суйибмиз-да! — деди Шодиқул оғзининг таноби қочиб.

Аслида жўрабошини янгилаш ғалвасига ҳам шу Шодиқулнинг ҳовлисидаги куркалар сабабчи эди. Каримқул бошлиқ бир нечта йигит Шодиқулни куркали зиёфатга тушириш учун бугунги «фитна»ни ўйлаб топишган эди.

Эртасига якшанба бўлгани учун улфатлар эрталабданоқ Шодиқулникига тўпланишди. Шодиқул қули очиқлигини исботлаш учун ҳовлининг бир бурчагидаги темир тўр билан ўралган куркахонага ишора қилиб:

— Ана курка, танлаганларингни суяман! — деди.

— Танлаб ўтирмаймиз, — деди Каримқул, — катакка қарата кесак отамиз, текканини қозонга босамиз!

Ўша куни куркахўрлик кечгача давом этди.

...Орадан икки ҳафта ўтгач, курка димламага иштиёқманд йигитлар навбатдаги гапда яна Шодиқулни жўрабошиликдан маҳрум этишмоқчи бўлишди. Шодиқул яна курка суядиган бўлди. Хуллас, у мансабини, дастурхон тўридаги жойини қўлдан чиқармаслик учун ҳафта оралатиб меҳмон кутишга одатланди.

Ниҳоят, қиш ўтиб, баҳор юмушлари қизий бошлаганда Шодиқулнинг ҳовлисида мунғайиб юрган сўнгги курка ҳам қозонга тушди.

Сўнгги курканинг димламаси ўта мазали, ўтириш ғоят завқли бўлди. Мезбоннинг шаънига кетма-кет алёрлар айтилиб, таҳсинлар ўқилди. Кўтаринки руҳда бошланган зиёфат можаро билан якунланди. Каримқул Шодиқулни эгаллаб турган мансабини суиистеъмол қилишда айблади.

— Суиистеъмол қилиб нима қилибман?! — деди бўғилиб Шодиқул. — Куркаларимни охиригача суйиб, сенларга едирганим суиистеъмолга кирадими?

— Киради! — деди Каримқул ишонч билан. — Жўрабоши бўлатуриб, бизни тўғри йўлга бошлаш ўрнига нафс йўлига бошладинг, текин зиёфатга ўргатдинг! Бундай одам жўрабоши бўлишга нолойиқ!

Йигитлар бир овоздан унинг гапини маъқуллаб, Шодиқулни жўрабошиликдан туширишди.

Ёз, куз ўтиб, қишлоқ йигитлари гап ейдиган мавсум бошланганида Шодиқулнинг бир қўра қўзи боқаётганидан хабар топган йигитлар: «Кимда-ким қўзи кабобли зиёфат уюштирса, ўша жўрабоши бўлади», — дейишибди. Бу гапдан хабар топган Шодиқул шапшак «Курка суяман, қўзи суяман, керак бўлса, қучқор суяман, барибир жўрабоши бўламан!» деб кўкрагига уриб юрганмиш.

Меҳмон ИСЛОМҚУЛ ўғли

СИНОВГА МАРҲАМАТ

Ҳажвия

Ия, ия, ия! Келсинлар, келсинлар, қадамларига ҳасанот! Оббо, укам-эй, ишга кирмоқчи бўлиб келгандим денг. Жуда яхши-да. Худди сизга ўхшаган буғолтирга кўзимиз учиб турганди ўзиям.

Тайёргарлик қалай бўлди? «Қанақа тайёргарлик?» дейсизми! Ие, бизда синов асосида ишга қабул қилинишини эшитмаганмисиз? Тестни эшитгандирсиз? Ҳа, баракалла. Япония, Америкадан кейин бизнинг ишхонада тест асосида ишга қабул қилиш бошланди. Мана, ука, тест варақасини олинг. Отақўзи акамлардан аввал сизни ўзим синов қилиб кўраман. Бешта савол, йигирма бешта жавоб. Камида тўртта жавоб топсангиз, марра сизники. Бошладик.

Биринчи савол: Бошлиғингиз дам олиш уйига жўнаяпти...Биринчи жавоб: Совға-салом билан кузатиб қўясиз.

Иккинчи жавоб: «Жўнаса жўнар!» деб қўл силтайсиз.

Учинчи жавоб: «Қийналиб қолманг», деб беш-олти минг узатасиз.

Тўртинчи жавоб: «Яхши дам олиб келинг» дея самимий хайрлашасиз.

Бешинчи жавоб: Совғасалом билан уйларига борасиз, беш-олти мингни зўрлаб чўнтакларига солиб қўясиз. «Соғинтириб қўйдингиз-ку» деб ҳафтада бир ҳолларидан хабар олиб турасиз.

Қани укам, жавобларини эшитайлик. У-ў-ў! Жуда ғўр экансиз-ку! Тўртинчи жавобмиш... Самимий хайрлашишингизни бошига урадими у! Бешинчи жавобни ўқинг, бешинчини. Ҳа, яшанг. Беш карра беш йигирма беш. Ҳа-ҳа-ҳа! Бешни ташланг!

Давом этамиз, укам. Бошлиқ, «Тушликни қаерда қилсак экан-а?» деб қолди...

Биринчи жавоб: Яхши бир ошхонанинг номини айтасиз.

Иккинчи жавоб: Чойхонага ошхўрликка таклиф этасиз.

Учинчи жавоб: Уйингизга қўнғироқ қиласиз, қуюқ зиёфат ташкил этасиз.

Тўртинчи жавоб: Бозорга бориб, егулик олиб қайтасиз.

Бешинчи жавоб: «Сиз бошлаган ошхонада ғишт бўлса ҳам еяверамиз», дейсиз илжайиб.

Жавобингизга мунтазирмиз, укам. Қани? Уфф! Умуман, тайёргарлигингиз нол! Замонавий бошлиқ талаблари назариясини умуман ўқимагансиз. Яхши бир ошхонанинг номини айтармишлар! Узлариям билишади яхши ошхонани! Учинчи жавобга қаранг, учинчига! Баракалла! Уч карра беш ўн беш. Яшанг! Ҳа-ҳа-ҳа! Бешни ташланг.

Учинчи савол: Бошлиқ «Костюмининг тугмаси бўшаб қолибди-я» деб қолди.

Биринчи жавоб: Дарҳол игна-ип топасиз-да, тугмаларини қадаб берасиз.

Иккинчи жавоб: Яқинроқдаги хизмат уйига олиб бориб, қадатиб келасиз.

Учинчи жавоб: Костюмини оласиз-да, тугма билан эмас, бўшаб қолган чўнтаклари билан шуғулланасиз.

Тўртинчи жавоб: Янги костюм-шим совға қиласиз.

Бешинчи жавоб: «Бўшаб қолган бўлса, узиб чўнтакка солиб олиш керак, тушиб қолади», деб доно маслаҳат берасиз.

Уйлаб жавоб беринг-чи, укам. Шошилманг. Қани. Ҳе, туринг ўрнингиздан, туринг! Менга қаранг, осмондан тушганмисиз? Бешинчи жавобмиш... Учинчини ўқинг, учинчини. Яшанг! Бешни ташланг! Узим ўқитиб мулла қиламан шекилли.

Бошлиқ, «Ҳаволар исиб уйдаям , хонадаям туриб бўлмай қолди-ку», деди.

Биринчи жавоб: «Нимасини айтасиз, ҳаво тандирдай қиздиряпти», деб ҳамдардлик билдирасиз.

Иккинчи жавоб: Бошлиқнинг хонасидаги, уйидаги совутгичларнинг аҳволини ўрганасиз. Бузилган бўлса, тузаттирасиз.

Учинчи жавоб: Муздай ичимликлар билан хўжайинни сийлайсиз.

Тўртинчи жавоб: Тоққа, соя-салқин жойларга ёки дарё бўйига оилавий саёҳат уюштирасиз.

Бешинчи жавоб: Елпиғич топиб, бошлиқни елпийсиз.

Қайси жавобни танладингиз, укам? Ҳе, осмондан тушганингизга шубҳам қолмади-е! Елпиғич топиб, бошлиқни елпирмишлар! Узингизни елпиб қолишмасин тағин! Тўртинчи жавобни ўқинг-чи. Бор экансиз-ку. Ўзи сизга менга ўхшаган битта репетиторми-пепетиторми керак экан.

Охирги савол: Бошлиқ олдингизда йўталиб, хонасига кириб кетди.

Биринчи жавоб: «Шамоллабсизми, хўжайин?» деб соғу саломатликларинг обдон суриштирасиз.

Иккинчи жавоб: Дорихонадан зарур дори-дармон келтирасиз.

Учинчи жавоб: Сизам йўталиб қўясиз.

Тўртинчи жавоб: Касалхонага қўнғироқ қилиб, шифокор чақирасиз.

Бешинчи жавоб: Хоналарига кириб, «Бизбоп хизмат чиқиб қолдими, акахон?» деб оҳиста сурайсиз.

Жавобингиз?.. Қўйинг-э! Ғудайиб ўсиб қолган экансиз-да! Йўталиб қўярмишлар. Ҳе! Йўталтириб юборишмасин тағин. Бешинчини ўқинг. Ҳа, бор экансизку. Хизматларини қиласиз, бажарасиз, ўсасиз.

Тўғрисини айтсам, ука, ғирт ошқовоқнинг ўзи экансиз. Пухтароқ ҳозирлик кўрмасангиз, умуман ишга киролмайсиз. Ҳозир сиз тест синовининг биринчи варианти билан танишдингиз холос. Бунақа вариантдан ўн бешта бор. Агар ҳисоб-китобни яхши қилсангиз, сизни бир ой синовга тайёрлашим мумкин. Узим қоровул бўлсам-да, айрим бошлиқлар назариясидан хабарим бор...

Ие, йўл бўлсин, укам? Ишхонамизнинг эшиги бу томонда, кўчага қараб юряпсиз?

Биринчи жавоб: «Тайёргарлик кўриб келаман», дедингиз.

Иккинчи жавоб: «Чиқимга тоқатим йўқ», дедингиз.

Учинчи жавоб: «Ишламаганим бўлсин!» дедингиз.

Тўртинчи жавоб: «Юқорига арз қиламан», дедингиз.

Бешинчи жавоб: «Тестинг ҳам пестинг ҳам қуриб кетсин!» дедингиз.

Ҳов, қайси бири, очиғини айтиб кетинг.

Саид АНВАР

„ШҚ" ГАЛЕРЕЯСИ

Рассом А. НОРХЎЖАЕВ

ОЛИБСОТАР

Беқарор, беор, муғомбир, паст назар, олибсотар,
Макри одамларни айлар дардисар, олибсотар,
«Кеп қолинг», деб тонготардан гап отар олибсотар,
Номус-орин пулламоққа пайт топар олибсотар,
Тинмайин оқшомда ҳам жавраб ётар олибсотар.

Ўлтирар пештахтанинг савдога ўнғай жойида,
Пул чўзиб меҳрин қозонган «раҳнамо» даргоҳида,
Кунда-шунда «орқа тоғлар» пуштию паноҳида,
Гар бирор деҳқон анинг жойини олса гоҳида
Қарғадек чўқиб, патини тўзғитар олибсотар.

Тушса савдо қилгали бозорга бир боғбон агар,
Ё олиб келса бирор нарса сотишга ҳар сафар,
Шу заҳот атрофини йўл пашшадай қуршаб олар,
Сув текинга мол олиб, виждон ютиб қиммат сотар,
Алдамоқ бобида шайтондан ўтар олибсотар.

Наф учун иймонни сотмоқ одамий шаънига ёт,
Қалби қаърида агар-да заррача бўлса уёт,
Тер тўкиб поку ҳалол меҳнатда кўрсатсин сабот,
Розиқо, ушбу сўзингдан бўлмаса ҳосил мурод
Элимиз қаҳру ғазабин қўзғатар олибсотар.

Розиқ РЎЗИ

БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 5 июн чоршанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасида ёш шоирлар мушоираси бўлади.

Мушоирага барча қизиққанлар таклиф этилади. Манзилимиз: Ж. Неру кучаси, 1-уй. Метронинг Мустақиллик майдони бекати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Абдунаби ҲАЙДАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0249. Ҳажми — 4 босма табоқ. Тиражи—10843. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6